



## O'ZBEKISTONLIK HARBIYLAR 2-O'RINDA

3-sahifa ▶▶

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2022-yil 21-oktabr, №42 (3001)

YANGI O'ZBEKISTONDA EL AZIZ, INSON AZIZ

# VATANPARVAR

www.mv-vatanparvar.uz II O'ZBEKISTONLIK HARBIYLAR 2-O'RINDA, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



Ming yillarkim bulbul kalomi  
O'zgarmaydi, yaxlit hamisha.  
Ammo sho'rlik to'tining holi  
O'zgalarga taqlid hamisha.

Ona tilim, sen borsan, shaksiz,  
Bulbul kuyin she'rga solaman.  
Sen yo'qolgan kuning, shubhasiz,  
Men ham to'ti bo'lib qolaman!

Abdulla ORIPOV



## POLVONLAR YURTIGA SAFAR

4-5-sahifa ▶▶



BILIM VA TAJRIBA

## SINOVDAN O'TDI

6-sahifa ▶▶



## UMUMMILLAT MULKI

7-sahifa ▶▶

21  
oktabr

O'ZBEK TILIGA  
DAVLAT TILI  
MAQOMI BERILGAN  
KUN

15

YUKSAK E'TIBOR –  
MUVAFFAQIYAT  
OMILI

18

REYTINGDA  
YAKKA  
PESHQADAM

19

HARBIY AVIATSIYA  
YOSHLAR  
NIGOHIDA

Tahririyat  
haqida  
ma'lumot



@ vatanparvar-bt@umail.uz

t.me/mv\_vatanparvar\_uz  
t.me/mudofaavazirligi

facebook.com/mudofaavazirligi

instagram.com/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya



## МАБЛАҒЛАР САРФЛАНИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурда 17 октябрь кuni маҳаллалар инфратузилмасига ажратилаётган маблағларнинг сарфланишини назорат қилиш масаласи бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.**

Маълумки, яқинда 11 октябрь кuni маҳаллаларда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этиш юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда халқимизни қувонтирган, одамлар манфаатига қаратилган жуда кўп янгиликлар айтилди.

Жумладан, бу йилнинг қолган икки ойида 5 минг 284 та маҳалла инфратузилмасини яхшилашга 2 триллион 700 миллиард сўм ажратилади. Ички йўлларни таъмирлашга маблағлар ҳажми 2,2 баробарга оши-

рилади. «Ташаббусли бюджет» доирасида 1,5 мингта маҳалладаги лойиҳаларга 1 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилади. Келгуси йилдан «Ташаббусли бюджет» лойиҳалари учун 8 триллион сўм берилади.

Йиғилишда бу маблағлардан самарали фойдаланиш ва сарфланишини назорат қилиш масалалари муҳокама қилинди.

– Келгуси йилдан «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ», йўл қурилиши ва бошқа давлат инвестиция дастурларини шакллантириш ва амалга

оширишнинг янги тизимига ўтамыз, – деди давлат раҳбари. – Ушбу дастурлар ва харажатлар фақат ва фақат аҳоли овоз берган лойиҳаларга йўналтирилади. Прокурорлар эса ажратилаётган «ҳар бир сўм»нинг ўз ўрнида ишлатилишини таъминлаб, назорат қилиши лозим.

Шу боис йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори давлат дастурлари ижроси юзасидан янги назорат тизимини жорий этиш, талон-торожлик ва қонунбузилишларнинг олдини олиш, қурилишларни очиқ-ошкора тизим асосида амалга ошириш чоралари тўғрисида ахборот берди.

Президентимиз қурилиш жараёнларини назорат қилишда аҳоли иштирокини кенгайтириш, объект-

ларни қабул қилиш комиссияларига маҳалла раисларини киритиш бўйича кўрсатма берди.

Келгуси йил 1 январдан бошлаб, қиймати 10 миллиард сўмдан юқори бўлган қурилиш объектларига хорижий техник-назорат мутахассислари жалб қилиниши, давлат объектлари бўйича лойиҳа ҳужжатлари «Қурилиш ресурслари классификатори» платформаси асосида ишлаб чиқиши белгиланди. Бу платформа қурилиш материаллари нархларини ягона тамойил асосида шакллантириш имконини беради.

Коррупцияга қарши курашиш агентлигига лойиҳалар, пудратчилар ва қурилиш ҳақидаги маълумотларнинг жамоатчилик учун очиқлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

## АГРАР СОҲАДАГИ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 18 октябрь кuni аграр соҳада йил якунигача кутилаётган натижалар ва келгуси йилдаги вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Уч йил аввал мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегияси қабул қилиниб, катта ислохотлар бошланган эди. Натижада мева-сабзавот экспорти 1,7 баравар ошиб, 1,1 миллиард долларни ташкил этди. Ғаллачиликда бозор механизмига ўтилгани натижасида фермерлар даромади 2 бараварга ошди. Аҳолига ерларни бўлиб бериш ҳисобига бу йил қўшимча 1 миллион тоннадан зиёд озиқ-овқат маҳсулотлари етиштирилди.

Иқлим ўзгариши ва жаҳондаги мураккаб вазият сабабли озиқ-овқат хавфсизлиги асосий масалага айланмоқда. Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархи ошиши кутилмоқда. Бундай вазиятда, аввало, аҳоли талабини қондириш ҳамда экспорт имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш керак.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги вазири шу борадаги режалар ҳақида ахборот берди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги долзарб вазифаларни кўрсатиб ўтди.

– Қишлоқ хўжалиги масаласини алоҳида эътиборга олиб, тез-тез муҳокама қилиб бораётганимиз бежиз эмас. Чунки бу иқтисодий тизимнинг тўртдан бир қисмини ташкил қиладиган муҳим соҳа. Бунинг замирида халқимиз фаровонлиги, нарх-наво барқарорлиги, қанча иш ўринлари ётибди, – деди Шавкат Мирзиёев.

Аввало, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиб, ҳосилдорликни ошириш масаласи кўрилди. Фермерларга тупроқнинг таркибини аниқлаш, уруғлик танлаш, экинни суғориш ва зараркунандалардан ҳимоялашда кўмаклашиш кераклиги таъкидланди.

Шу мақсадда 200 минг гектар майдонни лазерли текислаш таклифи маъқулланди. Бунда ҳосилдорлик

ошган майдонлар учун субсидия ажратилади, лазерли текислаш ускунасини сотиб олган фермерлар харажати қоплаб берилади.

Хорижий компаниялар билан ҳамкорликда ҳудудларда сув ресурсларини самарали бошқариш лойиҳаларини ишга тушириш вазифаси қўйилди.

Дехқончилик учун ер ва сув каби энг зарур манбалардан бири – бу маблағ. Фермер хўжаликларининг молиявий имкониятларини кенгайтириш, кредит ва субсидия олишни енгиллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Яна бир муҳим йўналиш – мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш. Лекин ҳозирча бу борадаги кўрсаткич паст. Боғ ва узумзорларнинг 20 фоизда, сабзавот майдонларининг атиги 7 фоизда интенсив усул жорий қилинган.

Шу боис озиқ-овқат саноатида 2 минг 163 та лойиҳа шакллантирилган. Уларнинг натижасида 25 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари импорти қисқариб, экспорт имконияти очилди. 37 мингдан зиёд киши иш билан таъминланади.

Давлатимиз раҳбари мева-сабзавотларни чуқур қайта ишлаш орқали

қўшилган қийматни бемалол 3–4 бараварга ошириш мумкинлигини таъкидлади. Мирзаобод, Денов, Паркент, Ўрта Чирчиқ, Урганч ва Қува туманларида шунга ихтисослаштирилган озиқ-овқат саноат паркларини ташкил қилиш бўйича топшириқ берилди.

Президентимиз қишлоқ хўжалигини рақамлаштириш масаласига алоҳида тўхталиди.

– Рақамлаштириш бўлмаса, соҳада ҳаққоний статистика бўлмайди. Тўғри маълумот бўлмагач, агрохизматлар ривожланмайди, фермерлар қачон нимани экса, кўпроқ даромад олишини билмайди. Шунинг учун бу жараённи тезлаштириш керак, – деди давлат раҳбари.

Шу йил охиригача 3 та, келгуси йилда 4 та лойиҳани якунлаб, ер ҳисоби, субсидия ажратиш, экин майдонларини мониторинг қилишни тўлиқ рақамлаштириш вазифаси қўйилди.

Умуман, келгуси йилда соҳада 600 мингта иш ўрни яратиш ҳамда экспортни 2 миллиард долларга етказиш мақсади белгиланди.

## ЕВРОИТТИФОҚ БИЛАН КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь кuni Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Ҳакалани қабул қилди.**

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни кенгайтириш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди. Халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Конструктив сиёсий мулоқотни ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва молиявий-техник соҳаларда, экология, таълим ва туризм йўналишларида ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг дастур ва лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув аввалида ЕИ махсус вакили мамлакатимиздаги демократик ва ижтимоий-иқтисодий янгиланишларни янада чуқурлаштиришга қаратилган, орта қайтмайдиغان Янги Ўзбекистон ислохотлари дастури Европа Иттифоқида юксак баҳоланаётгани, унинг давом эттирилиши изчил қўллаб-қувватланаётганини таъкидлади.

Кейинги йилларда сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган икки томонлама муносабатлар кўп қирра-

ли ва жадал тус олгани мамнуният билан таъкидланди.

ЕИнинг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилингани, Ўзбекистонга «GSP+» тизимининг бенефициари мақоми берилгани ҳамда Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномаси дастлабки тарзда имзолангани бунинг далолатидир.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик самарали ривожланмоқда. Биргина жорий йилнинг 9 ойида ўзаро савдо 15 фоизга ўсди. Ўзбекистон маҳсулотларининг ЕИ мамлакатларига экспорти ҳажми 70 фоизга кўпайди. Ўзбекистондаги қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 1 мингдан ошди.

Европалик инвесторлар иштирокида энергетика ва автомобилсозлик

каби юқори технологик тармоқларда, қишлоқ хўжалиги ва бошқа йўналишларда лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Сухбат чоғида барқарор тараққиётга, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга кўмаклашишга қаратилган дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Транспорт, инновация, рақамлаштириш, «яшил» иқтисодиёт, муқобил энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш, инклюзив таълим устувор соҳалар сифатида белгиланди.

Афғонистондаги вазиятни тез фурсатда тинч йўл билан тартибга солиш ва унинг иқтисодий тикланишига кўмаклашиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.



# Xalqaro maydonda



# «КЕМБРИЯ ПАТРУЛИ»!

ЎЗБЕКИСТОНЛИК  
ҲАРБИЙЛАР  
2-ЎРИНДА



ЎЗБЕКИСТОН  
ҲАРБИЙЛАРИ  
«КЕМБРИЯ  
ПАТРУЛИ»  
ХАЛҚАРО  
МУСОБАҚАСИДА  
ЎТГАН ЙИЛГИ  
НАТИЖАСИНИ  
ТАКРОРЛАГАН  
ҲОЛДА ИККИНЧИ  
ЎРИННИ ҚЎЛГА  
КИРИТДИ.



Жорий йил 4-12 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Брекон шаҳрида ўтказилган разведка ва махсус бўлинмаларнинг «Кембрия патрули» халқаро мусобақасида дунёнинг жами 24 та давлатидан 144 та жамоа иштирок этди. Жумладан, унда мезбон Буюк Британия, Ўзбекистон, Косово, Греция, Ирландия, Германия, Латвия, Франция, Гана, Италия, Ҳиндистон, Польша, АҚШ, Швейцария, Литва, Нидерландия, Уельс, Непал, Шотландия, Австралия, Покистон, Мексика, Албания, Чили, Қозоғистон, Янги Зеландия Қуролли Кучлари разведка ва махсус бўлинмалари ҳарбий хизматчиларидан иборат жамоалар ўзаро баҳс олиб борди.

Мусобақа босқичларидаги йўналиш 90 километр масофадаги турли даражадаги мураккаб шартлардан иборат бўлиб, ҳар 8-10 километрда бир нечта жанговар топшириқлар бажарилди.

Шунингдек, оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш воситаларидан фойдаланган ҳолда 3 километр масофадаги зарарланган ҳудуддан

ўтиш, жойни разведка қилиш ва тоғ дарёсини кесиб ўтиш, ярадорларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, жароҳатланганларни турли йўللار билан эвакуация қилиш, мина тўсиғидан якка ва гуруҳ таркибида ўтиш, душман объектига босқин уюштириш, гаровга олинганларни озод қилиш ва ҳарбий асирларни сўроқ қилиш каби шартларда ҳарбий хизматчилар ўз маҳоратларини синовдан ўтказишди.

Бундан ташқари, жамоаларга 8 та кутилмаган «тест сюрприз» топшириғи ҳам берилди. Унга кўра, хорижий давлатлар қуроллари ва ҳарбий техникаси турларини аниқлаш, симуляция ва алоқа ускуналари ёрдамида артиллерия оловини йўналтириш, ҳарбий топография меъёрларини бажариш, Женева конвенцияси бўйича тест топшириш, разведка бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва тузиш, алоқа тайёргарлиги бўйича меъёрларни бажариш, бажарилган тадбирлар бўйича ва кейинги топшириқларни бажаришга шайлиги

1-ўринни мезбон давлат + Буюк Британия жамоаси, 2-ўринни катта давлатлар жамоаларини ортда қолдирган Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси эгаллаган бўлса, 3-ўрин Покистон жамоасига насиб қилди.

бўйича билдирув бериш жараёнлари ҳам қизғин кечди.

Шундай қилиб мусобақа натижаларига кўра, 1-ўринни мезбон давлат – Буюк Британия жамоаси, 2-ўринни катта давлатлар жамоаларини ортда қолдирган Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси эгаллаган бўлса, 3-ўрин Покистон жамоасига насиб қилди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги жамоаси мазкур нуфузли мусобақанинг 2019 йилги баҳсларида 1-ўринни, 2020–2021 йилларда эса 2-ўринни қўлга киритган эди.

\*\*\*

Музаффар ўғлонларимиз Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида тантанали тарзда кутиб олинди. Маросимда Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Лейтенант  
Ислонжон ҚўЧҚОРОВ,  
«Vatanparvar»



# Mardi maydonlar

# ПОЛВОНЛАР ЮРТИГА

Қадимий осори-атиқалари, алломалари, шоиру ёзувчилари, полвонлари билан донг таратган Сурхондарё вилоятида хизмат сафариди бўлдиқ. Жануби-ғарбий махсус харбий округ тасарруфидаги Термиз, Қақайди гарнизонларида ўтқазилган Мудофаа вазирлиги миқёсидаги «Энг илғор батальон (дивизон)» кўриқ-танловини ёритиш асосий иш режамиз эди. Йўл-йўлақай бошқа мусобақалар, қўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, бахшиларнинг айтимларини қузатиб боришимизга тўғри қелди.

Ушбу мақоламизда сиз, азизларни «Энг илғор батальон (дивизон)» кўриқ-танлови тафсилотлари билан таништирамиз. Қолган мавзулар ҳақида бошқа саҳифаларда ўқийсиз. Айтганча, тифиз иш вақтида барча тадбирларга улгуришимизда қўмондонлик матбуот хизмати бошлиғи III даражали сержант Акбар Аҳмедовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Асосий мавзумизга қайтсак, «Энг илғор батальон (дивизон)» кўриқ-танлови батальон ва дивизионларнинг жанговар тайёргарлиги, турли хил жисмоний ва руҳий юкларни енгиб ўтишдаги маҳорати ва жанговар вазифаларни бажаришдаги шайлигини аниқлаш, таъминотни кучайтириш учун бириктириб берилган бўлинмаларнинг муҳим вазифалар ва махсус тадбирларни бажариш вақтида ўзаро уйғунликдаги ҳа-

ракатини таъминлаш, қўшинларда соғлом рақобат ва ўзаро мусобақа муҳитини яратиш, ҳарбий хизмат нуфузини, ҳарбий аъноларни, Ватанга ва ўз касбига бўлган меҳр ва садоқат ҳиссини ҳамда армиянинг профессионаллик даражасини ошириш мақсадида ташкил қилинганди.

Ушбу мақсадларга эришиш йўлидаги назорат машғулоти саф кўриги билан бошланди. Унда раҳбарни кутиб олиш ва ҳарбийча





саломлашиш, бўлинмаларнинг бутланганлиги, шахсий таркибнинг рўйхатга мос келиши, ташки қўриниши (*анжом-аслаҳаси*), қурол ва техникалар ҳолати, ўқув-моддий базаси, саф уйғунлиги, тантанали марш ва саф қўшиғи билан ўтишдан тортиб ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигигача назардан четда қолмади.

Шахсий таркиб, техника ва қурол-аслаҳаларни колоннага тизилиш ҳудудига олиб чиқиш асносида командирнинг бўлинмани бошқариш маҳорати текширилди. Унинг қарори ва жанговар вазифа бериш

# САФАР

тартиби тингланди. Берилган фармойишга асосан, техникаларда марш амалга оширилди. Унда машғулот иштирокчиларининг белгиланган ҳудудга ўз вақтида чиқиши, ҳайдовчиларнинг маҳорати, шахсий таркибнинг уйғунликдаги ҳаракати, жойлашиш тартиби баҳолаб борилди.

– Ушбу кўрик-танловда жанговар машиналарда амалий отиш машқларини бажардик. Менинг вазифам йўналтирувчи оператор эди. Берилган топшириқни янгича ёндашув асосида сифатли бажардик. Қанот бўйлаб ҳамда ҳаракат давомида қисқа тўхтаб отиш машқлари давомида тажриба ва маҳоратимиз яна бир бор синовдан ўтди. Эки-



Muallif olgan surat

пажимиз пайдо бўлувчи ва ҳаракатланувчи нишонларни ўз вақтида яқсон қилди, – дейди III даражали сержант Ислон Қиличев.

Иштирокчиларнинг отиш маҳорати кундузи ва тунда амалда бажариш орқали аниқланди. Артиллерия бўлинмаларининг барча мутахассислик бўйича офицерлари артиллерия қуролларидан отиш ва ўт очишни бошқариш бўйича синов машқларини топширдилар.

3 км анжом билан марш югуриш, тўсиқлар йўлагидан ўтиш, 15 км пиёда юриш (*азимут бўйича ҳаракатланиш, зарарланган ҳудуддан ўтиш, хавфли маскандан яшириниб (эмаклаб) ўтиш, гуруҳ таркибида ҳар бир иштирокчи пичоқни 6-10 м узоқликдаги нишонга отиб, санчиш*), ёғочларни кўтариб гуруҳлар таркибида узоқ масофага югуриш ва мавжуд тўсиқлар йўлагидан ўтиш каби чидамлик синовлари ҳарбий хизматчиларни тоблади.

Жойда жойлашув (*алоқа ўрнатиш, қўриқлаш ва ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш*), ниқобланишни ташкиллаштириш, яшовчанлик

элементлари (*олов ёқиш, сув топиш ва ҳайвон овлаш учун мослама тайёрлаш*), экипажлар таркибида техник тайёргарлик меъёрларини бажариш эса машғулот иштирокчиларининг топқирлигини оширишга хизмат қилди.

Шу тариқа кўрик-танлов давомида ҳарбий хизматчилар полвонлар юртида эканликларини ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан исботладилар. Яъни улар ўзларининг ҳар

томонлама тобланганликларини амалий натижалари билан кўрсатдилар. Ҳар бир иштирокчининг тезлиги, чидамлиги, чаққонлиги ва куч сифатлари аниқланди.

Энг кучлилар кимлигини эса Ватан ҳимоячилари куни арафасида билиб оламиз.

**Капитан Азиз НОРҚУЛОВ,  
«Vatanparvar»**







# БИЛИМ ВА ТАЖРИБА

Бугунги кундаги глобаллашув шароитида жаҳонда ва минтақада ҳарбий-сиёсий вазият мураккаблашиб бормоқда. Бу эса юрт химояси йўлидаги ҳарбий хизматчилардан ҳар қачонгидан-да юқори жанговар шайликни, мустаҳкам ирода ва жисмоний мукамалликни талаб этади.



# СИНОВДАН ЎТДИ

Марказий ҳарбий округнинг «Каттақўрғон» дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги қўшинлари артиллерия бўлинмалари иштирокида навбатдаги ўқув-услубий машғулот ўтказилди.

Жанговар тайёргарлик машғулотларида ўқув иштирокчилари замонавий артиллерия разведкасини қўллаш, отиш ва ўт очишни бошқариш бўйича назарий ва амалий билимларини синовдан ўтказди.

Даставвал назарий машғулотларда замонавий ҳарбий низолар вақтида

артиллерия бўлинмаларини қўллаш бўйича таҳлиллар, дунёнинг илғор тажрибалари кўриб чиқилди. Ҳарбий хизматчиларда юқори маънавий-жанговар ва жисмоний чидамлик сифатларини шакллантириш бўйича тавсиялар берилди.

Шахсий таркиб эрта тонгда дала-ўқув машғулотларида иштирок этиш учун саф майдонига жам бўлди. Шундан сўнг шахсий таркиб ва жанговар техникалар амалий машғулотларда иштирок этиш учун дала-ўқув майдонига йўл олди. Белгиланган манзилга етиб келган техникалар маълум нуқталарга жойлаштирилди. Ўқув-амалий машғулотлар давомида

янги тактик усулларни амалда қўллаш, ҳарбий хизматчиларнинг профессионал тайёргарлигини ошириш ва улар ўртасида тажриба алмашинувини ташкиллаштириш мақсад қилинган. Қолаверса, артиллерия қурол-аслаҳалари ва ўқ-дориларини самарали қўллаш бўйича кўникмаларини юксалтириш кўзда тутилган.

Тактик ўқувлар давомида «Тревога» сигнали берилганда шахсий таркибнинг ҳаракатлари, белгиланган йўналиш бўйича ҳимояни кучайтириши, қўйилган ўқув-жанговар вазифаларни сифатли бажариш борасидаги кўникмалари синовдан ўтказилди.

Шунингдек, шартли душмanning эҳтимолий жойлашган ҳудуди аниқланиб, кейинчалик улар томонидан олиб борилиши мумкин бўлган фаол ҳаракатларни бартараф этиш мақсадида улар жойлашган ҳудудларга авиация ҳамда артиллерия бўлинмаларининг куч ва воситалари ҳамда миномётчилар батареяси томонидан зарбалар берилди.

Ўқув машғулотларидаги ҳаракатланиш давомида нишонларни яқсон қилиш кўрсаткичи сезиларли даражада юқорилагани кузатилди.

**Рўзиқул ОЧИЛОВ,**  
«Vatanparvar»





# 21-oktabr – O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan kun



# ОНА ТИЛИ – УМУММИЛЛАТ МУЛКИ

Бир томчи шабнамдек мўъжаз ва тиниқ элчи деган соф ўзбекча туркий сўзда қанча ҳикмат бор!

Бизнинг шундай улуг шеърятимиз бор, бойликда беқиёс она тилимиз бор. Тил миллатнинг бош белгиси ҳисобланади. Тил бор – миллат бор.

Тил йўқ – миллат йўқ.

Холиқи олам одамзодга идрок ва Сўз айтиш неъматини бериб, уни барча хилқатларидан устун яратди, жонли ва жонсиз оламга ҳоким қилди. Оламни идрок қилган инсон Сўзни идрок қилади. Сўзни идрок қилиб оламни янада теранроқ идрок қилади. Сўзнинг илдизига етган киши дунёнинг тагига етгандек баҳра топади. Инсоният тарихи сўзлар қисматида яшириниб ётар экан.

Оламни охиригача англаб бўлмаганидек, Сўзнинг ҳам тубига етиш имконсиздир. Биз кўзламоқ, кўзимок, кўзгунинг кўздан келиб чиқишини биламиз, лекин кўз нима сабабдан кўз дейилганини, нега уни биров айн, биров чашм, биров глаз, биров ай деб аташини билмаймиз. Нега тошни бизнинг аждод тош деган, бошқалар хажар, санг, камень, стоун, штайн деб атаганлар, бу юзлаб номлар қаердан келган, билолмаймиз. Биз фақат фаразлар қиламиз, асл ҳақиқат эса сирлар уммони тубида ётибди. Лекин барибир тинчимас идрок эгаси бўлган одамзод ғаввос бўлиб бу уммон остини кезади, кашфиётлар қилади ва кашфиётлари ҳам чексиздир.

Ўйласам, изланишларимиз каби ғофиллигимиз-да поёнсиз экан. Сўзни эшитамиз, сўзлашни қотирамыз, лекин Сўз мағзини чақиш аксар хаёлимизга келмайди. Нега шундай деймиз, дея ўзимизга савол бермаймиз. Бу синоат тўла олам бамисоли олисдаги юлдузлардек ноаён қолаверади. Узум едим, «узум» дедим, билсам, тоқдан узиб едим, дегандек, ўз қўлим билан ишқомдан узум уза туриб, бу сўзнинг узмоқдан олингани хаёлимга келган эди. Ахир унган нарсани унум, ғуж ўсган мевани ғужум, жамият тузилишини тузум, чўғнинг қўридан қолган кулни курум, деймиз. Оғизга солиб ютганимиз ютум, томоқдан қулт этиб ўтган сув қултум бўлганидек, ишқомдан узиб еганимиз узум бўлади-да, дея ўз содда кашфиётимдан суюнган эдим.

Она тилимни муаззам ва улуг десам, эъзозлаб бошга кўтарсам, бунинг боиси ўзимники бўлгани, жонимга яқинлиги учун эмас. Шунга ишонганим, иймон келтирганим учун, менинг ҳам бир-икки тилдан хабарим бўлиб, қиёслаш имкониятларим борлиги учундир.

Бир томчи шабнамдек мўъжаз ва тиниқ элчи деган соф ўзбекча туркий сўзда қанча ҳикмат бор!

Эл деб, элат деб халқни айтмаймиз. Яна ёв ҳеч қачон эл бўлмайди, деймиз, ёмонга элакишма, деган

ўғитимиз бор. Бу ўринда эл дўстлик, яқинлик маъноларини билдиради. Эл қадимда давлат тушунчасини ҳам ифода қилган. Элчи бир халқдан, бир давлатдан бошқа юртга юборилган вакилгина эмас, балки элни элга эл қиладиган одам, халқлар ўртасида меҳр риштасини боғловчи, дўстлик кўпригини қурувчи ҳамдир.

Сўзнинг ўзида шахс зиммасидаги залворли юк бор. Элчи адолат ва эзгулик йўлида ҳақ сўзни айтишга бурчли инсон.

Унинг жонига эса кафолат ҳужжати қилиб, қонундек мустаҳкам, шохлар ҳукмидек қатъий ҳикмат, айтилган: «Элчига ўлим йўқ!»

Омонат деган ўзбекча сўзга қалб қулоғини тутинг. Қанчалар теран инсоний туйғулар бор бу сўзда. У мулк ҳақида айтилса бировнинг омонати, жон ҳақида айтилса Оллоҳнинг омонати. Банда учун дунё омонат, дунё учун банданинг ўзи омонат.

*«Ёғилур ҳар дам фалақдан  
бошинга гарди фиروق,  
Ўт равонроқким, омонатдир  
басе бу эски тоқ»*

Инсон бошига осмондан гард ёғилиб туради. Биз бугун бу гардни космик чанг, деймиз. Фазовий жисмларнинг Ер атмосферасида ёниб кетишидан ҳосил бўлган кул, деймиз. Бундай гардни Ҳазрат Навоий беш аср муқаддам қаёқдан билган, дея хайрон бўлманг. Берунийлар, Улуғбеклар яшаган юртда фазо сирлари аён эди. Хайратга сабаб бошқа, яъни бу илмий ҳақиқатнинг фалсафий хулосаси, бадий тисолидир. «Эй одамзод, – дейдилар Ҳазрат, – бошингга ёққан само чанглари айрилик гардларидир». Томидан тупроқ ёғилган уйда узоқ туриб бўлмайди. Бундай уй омонат. Чирган том остида яшаш хатарли. Осмондан гард ёғилган дунёни, бу эски токни ҳам равонроқ, тезроқ тарк этган яхшидир. Омонат сўзининг маъно товланишига қаранг. Уй омонат, олам омонат.

Бир куни Миртемир домланинг уйига бордик. Домла ўзбек мумтоз адабиётини жуда яхши биладиган, зукко одам эди. Сухбат асносида кабинетига кирганимизда, китоб жавонининг кўзга яқин ерида Пушкин, энг чеккада эса Ҳазрат Навоийнинг суратлари турарди. Шунда мен ажабланиб: «Бу қанақаси бўлди, домла, ватанпарварлигингиз қаерда қолди, ўзбекнинг даҳо шоирини бир чеккага

суриб қўйибсиз», дедим. Домла бир неча сония сукут сақлаб турди-да, кейин жилмайганча: «Мен Пушкинга қарашга уялмайман, чунки унинг бутун ижодини ўқиганман, ўрганганман. Ҳазратга қарашга эса уялман, сабаби, у кишининг ижодини ақл билан ҳам, қалб билан ҳам англаб етганимча йўқ», деб жавоб қилди. Мана шу гапларни таниқли навоий-шунос олим Абдуқодир Ҳайитметовга айтганимда, у киши «Гарчи мен бутун умримни Навоий ижодини ўрганишга бахшида этган бўлсам-да, бу уммон тубига етолган эмасман», деди.

Она тили умуммиллат мулкидир, демек, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир. Эски тузум барбод бўлди. Остановка турганда бекат, район турганда туман, вилка турганда санчки дейишга нима бор, дегувчиларнинг даври ўтди.

Араб, форс тилларини сув қилиб ичиб юборган тадқиқотчилар сўзнинг энг чуқур илдизига етиб, аслиятни маҳкам тутиб оладилар. Дунё хатога тўлиб кетганидан жонфиғон бўладилар. Риштон эмас, Рошидон; Бувайда эмас, Биби Убайда; арава эмас, ароба деб ёзиш ва айтишни талаб қиладилар. Уламолар, фузалолар, дейиш саводсизлик, инсон ҳуқуқлари эмас, ҳақлари дейиш керак, чунки уламо, фузало, ҳуқуқ олим, фозил, ҳақ сўзларининг кўплиги, деб қизишадилар. Айниқса, ахборотлар сўзини эшитсалар борми, сочлари тик бўлади. Ҳақиқатан ҳам хабарнинг жамъи – ахбор. Ахборотга айланиб, яна бир кўплик қўшимчаси ортди. Ахборотлар, десак, энди хабар учта «лар»дан лорсиллаган бўлади.

Одамларда тафаккур кучи ортгани сари тасаввур кучи камайиб бормоқда. Завқ-шавқ ўрнини совуқ ҳисоб-китоб эгалламоқда. Ақл ва юрак баҳсида ҳиссиёт енгилиб, қуруқ мантиқ ғалаба қилмоқда. Бу жамият учун хатарли ҳол. Ўзбек аскияни унутса, дўстона ҳазилларни эсдан чиқарса, сўзнинг латофатини англамай қолса, бу фалокатдир.

Халқда «Меҳмон отангдан азиз», «Устоз отангдан улуг» деган ҳикмат бор. Бирор ақлли зот, отадан улуг, отадан азиз инсон бўлмайди, деб айтган чоғи, кейинги вақтда «Меҳмон отангдек азиз», «Устоз отангдек

улуг», дейиш урф бўлди. Отадан улуг ва азиз кишининг йўқлиги ҳақиқат. Айнан шунинг учун ҳам бу ташбеҳ ишлатилади.

Мақолни таҳрир қилувчи ошноларга маслаҳатим бор: Агар «дан» ўрнига «дек» қўшишни жуда хоҳласангиз, халқнинг бошқа бир ибораси борки, уни шундай таҳрир қилса, савобли иш бўлади. «Тўйлар қилинг, қамишдан бел боғлаб, хизмат қилай», дейдилар. Аслида қамишдан бел боғлаш эмас, қамишдек бел боғлаб, хизмат қилиш тўғрироқ бўлади.

Сўз бамисоли чарақлаган юлдуз, оқиб ётган дарё, эсиб турган шамол каби ҳамманики. Ҳеч ким ҳеч кимга, ҳеч бир халқ бошқа ҳеч бир халққа, менинг сўзимни олдин, ўзгартирдинг, буздинг, дея даъво қилмайди. Руслар фиръавни фараон, Бобилни Вавилон, Сурияни Сирия деб айтсалар, бизнинг исмларимизни Кадыр, Таджи, Гулям деб талаффуз қилсалар, биров, ҳай, нима қиляпсан, демайди. Чунки бу ҳол кўпга келган тўй. Ўзимиз ҳам талай хорижий сўзларнинг додини берганмиз.

Курайдиган қуролимиз курак, ички аъзо ичак, гул тубида турадиган идиш тубак – биз уни тубак, деймиз – эканини билиш қийин эмас, лекин кўксимизда гурсиллаб урган юракни юрак дейиш тўғрими ёки урак? Юрак юрадим, урадим? Кўкрак-чи? Нега кўксимизни шундай атаймиз? Кўксим осмон, дегандек бу ном кўк, яъни осмон билан боғлиқми? Ундоқ десак, эмиқдош маъносини англаувчи кўкалдош сўзидаги кўк ўзаги нимани англатади? Кўкракка алоқаси йўқмикан?.. Бундай жумбоқлар юзлаб, минглаб сўзларимиз замирида ётибди. Улар бизни қийнаши, уйқу бермаслиги керак, Маҳмуд Кошғарий бобомизнинг китоби ёстиғимиз остида бўлмоғи керак.

Маош деганда биз бугун ойлик иш ҳақини тушунамыз. Аслида бу сўзнинг маъноси тириклик, ҳаёт кечирish, яшамоқдир. Ҳазрат Навоий ҳам «Маош айламак аждаҳо комида», дея бу сўзни худди шундай маънода айтганлар. Яъни шоҳ ҳузурда унинг истак-иродаси билан яшамоқ аждаҳо оғзида тириклик қилмоқ билан баробар.


Бизга таниш ҳамма сўзлар ҳам биз тушунган маънони англамайди. Агар Ҳиндистонга журналист сифатида борган бўлсангиз, зинҳор-базинҳор «камина мухбирман», дея кўрманг. Мен ярамас жосусман, деган бўласиз. Чунки «камина» тубан, пасткаш маъносини англатади. «Мухбир» эса айғоқчи демакдир. Яна бир маслаҳат, ҳиндистонлик дўстингизни Ватанга таклиф қилмоқчи бўлсангиз, асло сенга таклиф олиб келдми ёки таклиф юбораман, деб айтманг. Негаки, таклиф сўзи кулфат келтиришни англатади.

Болалиқдаги шеърини машқларимнинг бирида, шаббода, тўхта бирпас, деб ёзган эканман. Деворий газета муҳаррири, ўзбек адабий тилида бирпас деган сўз йўқ, бир нафас дейиш керак, деб ўзи қизил қалам билан тўғрилаб қўйган... Луғатларга қарандим. Пос – туннинг саккиздан бири, деб шарҳланибди. Демак, тахминан бир соатга тенг тунги муддат – пос, бир соатлик тунги соқчи – посбон, русча часовой маъносидаги атама бўлиб чиқди. Ажабки, ўз сўзимиз бўлган пос жаҳон кезиб, яна ўзимизга пост шаклида, қўриқланадиган жой, соқчининг ўрни ҳамда лавозим маъноларини олиб қайтибди. Демак, ўзбекнинг бирпаси бир соат бўлар экан. Гапимни бирпасда тугатаман, деган сўзнинг маъносини ўзингиз тушунаверинг.

**Эркин ВОҲИДОВНИНГ**  
**«Сўз латофати»**  
**китобидан олинди.**



## # Ma'rifat



# МИЛЛАТ ҚАҲРАМОНИ, ТИЛИМИЗ ФИДОЙИСИ

Мен 16 ёшдаман. Тошкент давлат юридик университети қошидаги академик лицей 1-курс ўқувчиси, «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати ёш фаоли ва аъзосиман. Дарсдан бўш пайтларимда Ватанимиз мустақиллиги, озодлиги учун жонини қурбон қилган жадид боболаримизнинг тарихини, биз ёшларга ибрат ва йўлчи юлдуз бўладиган ҳаёт йўлини ўқиб-ўрганаман, улар ҳақида курсдош дўстларимга гапириб бераман.

Айниқса, шоир, драматург, муסיқа-шунос, атоқли давлат, сиёсат арбоби бўлиши билан бирга, йирик тилшунос ва адабиётшунос олим, Туркистон халқ таълими тараққиётига муҳим ҳисса қўшган буюк маърифатпарвар

ва баркамол инсон шахсини тарбиялаш учун курашган моҳир педагог Абдурауф Фитрат ҳақида жуда кўп ўқиб ўргандим. Фитратнинг маърифий қарашлари Марказий Осиёнинг машҳур олим ва мутафаккирлари, ислом динининг қудратли таълимоти, шунингдек, XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида Туркистондаги ижтимоий ва сиёсий шарт-шароитлар, жадид маърифатчилиги ғояларининг таъсирида шаклланди. Халқи ва миллатининг порлоқ келажиги, Ватанининг озод ва мустақиллиги учун кураш Фитрат ҳаёти мазмунининг асосини ташкил этди. У миллатпарварлик ва ватанпарварлик ҳақидаги қадриятларга таяниб, ўзининг шунга оид таълимотини яратдики, бу ҳозирги кунда ватанпарварлик мафкурасини яратиш ва ёшларни Ватани, миллатни севишга ўргатишда муҳим йўлланма бўла олади. Ватан, ватанпарварлик ва инсонпарварликни энг юксак ахлоқий хислатлар деб билиб, уни жуда қадрлади.

У янги усул мактабларини очиш, чет элларга талабалар юбориб, малакали мутахассислар тайёрлаш ишига раҳбарлик қилди. Адиб турли ўқув юртларида ўқитувчилик қилиб, кўплаб олим ва педагоглар тайёрлади. Қатор дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиб, Ўзбекистон маорифи ривожига катта ҳисса қўшди. Олимнинг бошланғич синфлар учун ёзган ўқув дарслиги тилининг содда ва раволиги, боланинг ёш хусусиятлари ҳисобга олинганлиги, кундалик ҳаётий воқеалар акс эттирилганлиги, ундаги ҳикоя ва матнларнинг барчаси адиб томонидан яратилганлиги билан характерли.

Фитрат ўзбек тилининг мустақиллиги ва софлиги учун курашиб, унинг юксалишига катта ҳисса қўшди. Лотин графикасидаги ўзбек ёзувини яратишда қатнашди. Ўзбек адабиётшунослиги ривожига Фитратнинг ўрни бениҳоя катта. У ўтмиш илмий ва адабий меросимизни ўрганиш ва уни кейинги авлодларга

етказиш учун курашди. Фитрат ўз тарбия назариясида инсон камолоти учун зарур бўлган ва шахс ҳаёт мазмунини ташкил қилувчи маънавий, оилавий, инсоний мажбуриятларни белгилаб, шу мажбуриятларни амалга оширилиши жараёнида комил инсон шаклланади, деб ҳисоблади. Олимнинг фикрича, киши миллат манфаати учун хизмат қилса, бошқаларга яхшилик қилиб, ўзи яхши кўрган нарсанинг бир қисмини муҳтожларга берадиган бўлса, у саодатга етишади. Унинг ғоясига кўра, инсон қачонки, бошқалар учун фойда келтира олса, ўшандагина унинг қалби камолотга етади.

Фитрат ҳар томонлама етук, баркамол инсонни тарбиялашда жисмоний, ақлий, ахлоқий тарбияни биргаликда узвий боғлиқ ҳолда олиб боришнинг аҳамияти, уларнинг мазмуни, амалга ошириш йўлларини кўрсатиб ўтади. Унинг бу тарбияга оид назариялари, жумладан, жисмоний тарбия мазмунига оид қарашлари ҳозирги кунимизда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фитратнинг адабий асарлари, хусусан, унинг драматург сифатидаги фаолияти замонашлар томонидан яқдиллик билан эътироф этилди. 1916–1930 йиллар оралиғида у ўндан ортқ драма ёзди ва улар катта шухрат қозонди.

Ушбу мақолани тайёрлашда кўпгина китобларни ўрганиб чиқдим. Шоир Ҳамид Олимжоннинг сайланмаларини ўргандим. Сайланмада Фитрат ҳақида мақола ҳам бор экан. «Фитрат жадидчилиги ҳаракатига тўғридан-тўғри диний мактаб ва мадрасада таҳсил кўрган ва маълум фурсат давомида ўзининг ёзганига кўра – жадидчилик ҳаракатига нисбатан иккиланиш кайфиятида ҳам бўлган», деб ёзади Ҳамид Олимжон. Фитрат мақоласида мустамлакачиларнинг асосий мақсадлари қўл остига олинган мазлум халққа «маданият бериш», «маориф тарқатиш», «тараққий этдурмак» эмас, «турли

фоҳишахоналар, майхоналар очиб, бизнинг ахлоқимизни бузмоқ» ва охир оқибатда «бизни ишдан чиқармоқ ва ўз қўлларига муҳтож қилиб қўймоқдир», деб ёзади. Бу билан у сиёсий жиҳатдан анча етишган, халқни ҳақиқий аҳволдан бохабар қилиш учун ҳеч нарсадан тап тортмай фикр юритадиган шахс сифатида намоён бўлади.

Мантиқан олиб қараганда, адибнинг «Ҳинд ихтилолчилари» ва «Чин севиш» асарларида Фитратнинг она Ватанга бўлган муҳаббати, унинг эрки учун ҳамма нарсга тайёр бўлган, «Юртимизни қутқарамиз. Яшасин, истиқлол!» деб мустабид тузумга қарши қўзғалган исёнкорни кўраимиз. Унинг 1922 йили нашр этилган «Ўзбек ёш шоирлари» тўпламидан жой олган «Ўгут» шеърида Фитратнинг юрт эркинлиги учун кураш, бир дақиқа ҳам ҳурриятга эришиш маслагидан қайтмасликка ундов жуда яхши кўринади. Фитрат ўз драмаларида, шеърларида Шарқ, хусусан, Ҳиндистон халқининг мустамлакачи инглизларга қарши кураши орқали она Ватан – Туркистоннинг туганмас дардларини ифода қилди.

Фитратнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти тарихнинг энг қалтис давларида миллат ва Ватанга хизмат қилишнинг ёрқин намунаси. Ҳар қандай ҳолда ҳам халқ билан бирга бўлиш, унинг манфаатини ҳар нарсадан устун қўйиш, ҳар нарсадан муқаддас билиш Фитрат шахсиятининг энг муҳим хусусиятлари бўлган. Бу борада биз, ёш авлод ота-боболаримиз меросини ўрганишимиз, ҳали очилмаган қирраларини тадқиқ этишимиз лозим.

**Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,  
ТДЮУ қошидаги академик  
лицей 1-курс ўқувчиси,  
«ЮКСАЛИШ» умуммиллий  
ҳаракати фаоли ва аъзоси**

## # Ko`rik-tanlov

## МУНОСИБЛАР САРАЛАНДИ



**М**удофаа вазирлиги қўшинларида ўтказиб келинаётган турли мусобақалар, кўрик-танловлар ҳарбий хизматчиларни ҳар томонлама тоблаш баробарида ўзаро тажриба алмашиш имконини ҳам бермоқда.

Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлигида тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицерлари ўртасида соғлом рақобатни қарор топтириш, жанговар тайёргарлик ва командирлик дастурларини самарали ўзлаштириш, касбий маҳоратини такомиллаштириш мақсадида «Энг илғор тарбиявий ва мафкуравий ишлар органи офицери» кўрик-танловининг қўмондонлик босқичи ўтказилди.

Мусобақа шартларига кўра, иштирокчилар жанговар тайёргарлик бўйича назарий билимларини синовдан ўтказиш баробарида ўқотар қуроллардан нишонларни беҳато уриш машқини бажарди. Тактика ва топография фанларидан ўтказилган синовларда ҳам Ватан посбонларининг касбий маҳоратига муносиб баҳо берилди.

Якуний натижаларга кўра, энг илғорлар саралаб олинди. Ҳолиб ишти-



рокчилар мусобақанинг финал босқичи йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, маданият маркази бошлиқларининг иш самарадорлигини янада ошириш, кутубхоналарда иш фаолиятини янги босқичга кўтариш, тарғиботнинг инновацион технологияларини жорий этиш ҳамда улар орасидан энг намуналисини аниқлашга йўналтирилган «Энг илғор маданият маркази бошлиғи», «Энг яхши кутубхона», «Энг яхши кутубхоначи» кўрик-танловларининг қўмондонлик босқичи ҳам ўтказилди.

Унда қўмондонлик тасарруфидаги барча ҳарбий қисм ва муассасаларда фаолият юритувчи маданият маркази бошлиқлари, кутубхоначилар иштирок этди.

Маданият маркази бошлиқлари ўртасида бўлиб ўтган дастлабки танловда мутахассислар белгиланган шартларни бажариб, иш фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ҳакамлар ҳайъатига таништирди.

Навбатдаги «Энг яхши кутубхона» танловида қўмондонлик тасарруфидаги мавжуд кутубхоналарнинг замонавий технологиялар билан таъминлангани, янги адабиётлар билан бойитилганига қараб ғолиб аниқланди.

«Энг яхши кутубхоначи» танловида эса кутубхоначиларнинг билими, касбий маҳорати, китобхоналарга кўрсатаётган хизмат турлари, электрон каталог яратиш ва фойдаланиш, китобхона билан иш фаолиятини ташкил этиш, замонавий ахборот технологияларидан иш жараёнида самарали фойдалана олиш қобилияти, кутубхона фонди ва адабиётлари билан ишлаш маҳорати синовдан ўтказилди.

Танлов якунида барча шартлардан муваффақиятли ўтган иштирокчилар сараланиб, ғолибликни қўлга киритган мутахассисларга сертификатлар топширилди.

**Шерзод ЭГАМБЕРДИЕВ,  
«Vatanparvar»**



# Qadring baland bo'lsin, ona tilim!

CHIRCHIQ OLIY TANK  
QO'MONDONLIK-MUHANDISLIK  
BILIM YURTIDA "QADRING  
BALAND BO'LSIN, ONA TILIM!"  
SHIORI OSTIDA "ZAKOVAT"  
INTELLEKTUAL O'YINI  
O'TKAZILDI.

## DAVLAT TIMSOLI VA MULKI!



Intellectual o'yinda bilim yurti kursantlari, Chirchiq davlat pedagogika universiteti talabalari va Milliy gvardiyaning Chirchiq shahrida joylashgan harbiy qism muddatli harbiy xizmatchilari ishtirok etdi.

Dastavval bilim yurti gumanitar fanlar kafedrasida katta o'qituvchisi Mansur Sherov so'zga chiqib, o'zbek tilida to'g'ri, ifodali so'zlash va yozish, ona tilimizning sofligi va boyligi uchun g'amxo'rlik qilish, uning iste'mol doirasini kengaytirish davlatimiz fuqarolarining burchi sanalishini alohida ta'kidladi. Xususan, har bir

yosh va o'quvchi o'z ona tilidagi so'z boyligini oshirish hamda til imkoniyatlaridan o'rinni foydalanishga doimo harakat qilishi lozim.

Qizg'in kechgan bellashuvda jamoalar til tarixi, mantiq, adabiyot borasidagi savollar bo'yicha egallagan bilimlarini sinovdan o'tkazishdi. Yakuniy natijalarga ko'ra, bilim yurti kursantlari faxrli birinchi o'rinni qo'lga kiritishdi.

– Har birimiz davlat tiliga bo'lgan e'tiborni mustaqillikka bo'lgan e'tibor deb, davlat tiliga ehtirom va sadoqatni ona Vatanga ehtirom va sadoqat

deb bilishimiz, shunday qarashni hayotimiz qoidasiga aylantirishimiz lozimligini butun vujudimiz bilan his etishimiz lozim, – deydi bilim yurti 4-bosqich kursanti Ziyodulla Xolboyev. – Bunday vatanparvar harakatni barchamiz o'zimizdan, o'z oilamiz va jamoamizdan boshlasak, o'zbek tilini rivojlantirishga bevosita hissa qo'shgan bo'lamiz. Bugungi bellashuvda ustozlarimizdan olgan bilimlarimiz bizga qo'l keldi.

Ro'ziqul OCHILOV,  
"Vatanparvar"

## ONA TILIM, O'ZINGSAN AZIZ!

Ahli inson uchun muqaddas ne bor,  
Jonu jahonida asraydi beshak.  
Istagi ularga yetmasin zavol,  
Aziz bilganlari har nedan yuksak.

Avvalo, bu Vatan – joniga payvast,  
So'ng ota-onadir umr mayog'i.  
Ona zaboniga teng kelmas hech sas,  
Uning har kalomi – ko'zin qarog'i.

Mening ona tilim misli javohir,  
Turkiy zabon ichra sarayu sardor.  
Uning ta'rifiga ming qiyos bordir,  
Uning ta'rifiga yo'q erur timsol.

Chunki har qatida yashaydi sehr,  
Shoirlar she'r bitar ilohiy ohang.  
Sirli satrlarga qo'ydingmi mehr,  
Ko'ksingga jo bo'lar ming kamalak rang.

Uning har so'ziga umrini tikkan,  
Bobom Alisherga tan bergan jahon.  
Mahmud Qoshg'ariyning asari teran –  
Tengsiz go'zalligini aylagan bayon.

Boburmirzo satri hamonki yoniq,  
Vatan tanholigin eslatar hargiz.  
Dunyoda teng kelar aziz ne'mat yo'q,  
Ulug' Ona tilim, sendan-da aziz.

Zulfiya YUNUSOVA

# Uchrashuv

## MILLAT KO'ZGUSI

O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilgan sana munosabati bilan Havo hujumidan mudofaa qo'shinlari va Harbiy havo kuchlari qo'mondonligiga qarashli harbiy qismda "Qadring baland bo'lsin, ona tilim" mavzusida ma'naviy-ma'rifiy tadbir o'tkazildi.



Unda Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o'zbek tili va adabiyoti universiteti dotsenti, filologiya fanlari nomzodi Mo'minjon Turdibekov ishtirok etdi.

Tadbir mavzuga oid videorolik namoyishi bilan boshlandi. Shundan so'ng tilshunos olim Mo'minjon Turdibekov so'zga chiqib, o'zbek tilining kelib chiqish tarixi, rivojlanish bosqichlari, buyuk allomalarimizning tilimiz ravnaqi uchun qo'shgan hissasi haqida fikr-mulohazalarini

bildirdi. Ona tilini saqlab qolishga nafaqat olimlar, balki shu tilda so'zlashayotgan kattayu kichik birdek mas'ul ekanligini hayotiy misollar orqali tushuntirib berdi.

Qizg'in savol-javoblar va bahs-munozaralarga boy bo'lgan uchrashuv harbiy xizmatchilarning mavzu bo'yicha bilimlarini oshirishga ulkan hissa qo'shgan bilan qimmatli bo'ldi.

Muattar MELIYEVA,  
"Vatanparvar"

## SO'ZI YO'G'ON MINGNI URAR

Ona tilimizning tabiiyligi uchun kurashish, og'zaki va yozma nutqda til me'yorlariga rioya qilish, uning tarovatini saqlab qolish barchamizning eng muqaddas va sharafli burchimizdir.

Alisher Navoiy o'zi yashagan murakkab davr – XV asrda tilimiz himoyasiga o'tlanib, turkiy til o'z imkoniyatlari jihatidan boshqa tillardan sira qolishmasligini ilmiy va amaliy jihatdan isbotlab berdi. Shoh asari "Xamsa"ni turkiy tilda yaratdi.

Hozir ham shoirlarimiz o'zbek tilining boyligini, uning buyukligini namoyon etuvchi asarlar yaratmoqdalar. Boisi buyuk adabiyoti bo'lgan xalqning buyuk tili ham bo'ladi. Insonning qanday ma'naviyatga, qudratga ega ekani uning tilida namoyondir. Chunki millatning tarixi, uning madaniy, ma'naviy merosi, urf-odatlar va an'analari mujassam unda. Filologiya fanlari doktori, professor Alibek Rustamov o'z umrini ona tilimizning rivojlanishiga, uning sofligini saqlashga bag'ishlagan fidoyilardan biri. Olimning bundan bir necha yillar avval chop etilgan "So'z haqida so'z" kitobini qo'lga olgan odam borki, hozir ham uni chanqoqlik bilan o'qiydi. Bu kitobda professor shunday yozadi: "Tilning moddiy jihati tovushdir, yozuvda harf. Lekin harf

tovushga nisbatan ikkilamchi hodisa. Tabiiy tillarning hammasi tovushdan iborat bo'lib, harf tovushning zamon va masofasini kengaytirish uchun paydo bo'lgan belgidir.


Til yetuk hodisalardan bo'lib, unda go'zallik uchun zarur bo'lgan hamma sifatlar mavjuddir". Shuning uchun ham donishmand xalqimiz so'z haqida "Anjom – uy ziyati, so'z – inson ziyati", "Tayog'i yo'g'on birni urar, so'zi yo'g'on mingni", "Bug'doy noning bo'lmasin, bug'doy so'zing bo'lsin", "Qo'tir qo'ldan yuqar, balo – tildan" kabi oltin maqollarni yaratgan.

Shunday ekan, g'ururimiz bo'lmish tilimizni milliy boyligini sifatida asrashimiz, olis o'tmishimiz, kelajagimiz, millatimizning taqdirini ifodalovchi vosita ekanligini, uning ta'sirchan maqomini, latofati va jozibadorligini oshirish, har qanday tajovuzlardan asrash har birimizning ma'naviy burchimiz bo'lishi kerak.

Hulkar SHAMSIYEVA,  
Abdulla Qodiriy nomidagi  
ijod maktabi o'qituvchisi



# Sogʻlom raqobat



**ҲАВО ҲУЖУМИДАН  
МУДОФАА ҚЎШИНЛАРИ  
ВА ҲАРБИЙ  
ҲАВО КУЧЛАРИ  
ҚЎМОНДОНЛИГИДА  
«ТИНЧЛИК ЖАНГЧИСИ»  
МУСОБАҚАСИНИНГ  
ИККИНЧИ БОСҚИЧИ  
БЎЛИБ ЎТДИ.**

# «ТИНЧЛИК ЖАНГЧИСИ», ОЛҒА!



III dаражали serjant Olim BERDIYEV

Ҳарбий хизмат нуфузини, ҳарбий хизматчиларда она Ватанга, ўз мутахассислигига бўлган меҳру муҳаббат туйғусини янада ошириш, ҳарбий жамоалар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, жанговар ва махсус тайёргарлик тизимини такомиллаштириш каби мақсадларда ташкил этилган мусобақада жами етти жамоа таркибида ўттизга яқин ҳарбий хизматчи ўзаро беллашди.

Ҳарбий спорт йўналиши бўйича «Атлет», ҳарбий касбий йўналиш бўйича «Профессионал», отиш тайёргарлиги бўйича

«Мерган», адабий-бадий, ижодий йўналиш бўйича «Кавалер», интеллектуал йўналиш бўйича «Эрудит» деб номланган беш йўналишда иштирокчиларнинг қўшинлар таъминотида бўлган қурол-аслаҳаларнинг тактик-техник тавсифлари, ўқотар қуролларнинг қўлланилиши, халқаро ҳарбий ҳуқуқ нормалари, ҳарбий топография каби фанлардан билим даражалари баҳоланди. Барча зарур анжомлар билан икки километрга югуриш, граната улоқтириш, ўқотар қуролдан отиш каби амалий машқлар жараёни жуда қизғин кечди. Ҳакамлар капитан У. Каримов, кичик сержант Ф. Хидиров, III даражали

сержант Б. Тиловов, контракт бўйича ҳарбий хизматчи, оддий аскар Г. Саримсоқованинг фаол иштирокини алоҳида қайд этдилар.

– Ушбу мусобақада қатнашиш ва ғолиб бўлиш учун изландим, ўқидим, ўргандим. Тажрибали офицерлардан ўз саволларимга жавоб олдим. Мақсадим – ғолиб бўлиш. Миллий армиямиз зиммасидаги вазифалар ва уни бажариш услублари йилдан йилга ўзгариб бормоқда. Бу эса бизлардан юрт тинчлиги ва мустақиллигини ишончли ҳимоя қилиш учун тинимсиз меҳнатни, изланишни, мардлик ва жасоратни талаб қилиш билан бирга ҳарбий соҳадаги энг илғор таж-

рибаларни ўрганишни ва амалиётга татбиқ этишни ҳам тақозо этади. Бу борада сўнгги йилларда кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Шунинг натижасида ҳарбийларимизнинг касб маҳорати, жанговар шайлиги йил сайин ошиб борапти. Бугунги мусобақа ҳам ана шундай мақсадларга хизмат қилмоқда, – дейди III даражали сержант Б. Тиловов.

«Тинчлик жангчиси» мусобақасининг иккинчи босқич ғолиблари Мудофаа вазирлиги миқёсида бўлиб ўтадиган якуний босқичда мутлақ ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

**Фурқат ЭРГАШЕВ**





# Qaror va ijro

Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳрида маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш масалаларини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилояти комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

# ТАНҚИДИЙ ТАҲЛИЛ МАҲСУЛИ



Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 январдаги «Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифаларнинг 9 ойлик ижроси юзасидан масъулларнинг ҳисо-

бот маърузалари тингланди. Бу борадаги ютуқ ва камчиликлар муҳокама қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди. Келгуси режаларнинг ҳаётга татбиқи қатъий белгилаб олинди.

Тадбирда Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

полковник Бахтиёр Ўролбоев иштирок этиб, бу борада миллий армиямизда олиб борилаётган ислохотлар, амалга оширилаётган ишлар юзасидан батафсил маълумот берди. Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари ва Миллий гвардия томонидан ўтган муддат давомида маҳаллаларда 550 маротабадан зиёд ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган «Жасорат дарслари», камондан ўқ отиш, от спорти бўйича тадбирлар, ҳарбий қисмларда «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб, 65 минг нафардан зиёд ёшлар жалб этилган. Шунингдек, вилоятдаги 886 та мактабда «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳарбий-ватанпарварлик ҳаракати отрядлари ташкил этилгани айтиб ўтилди.

– Ушбу комиссия йиғилишида қамров кўламини ошириб бориш борасида ҳам

тажриба алмашдик. Ўзим фаолият юритаётган шаҳарнинг ўзида юзга яқин ёшларнинг таҳсил олаётган олий ўқув юр்தларига контракт тўлови тўлаб берилди, кўплаб ёшларнинг даволаниши учун ёрдам ажратилди. Бундан ташқари, ўғил-қизларни касбга тайёрлаш бўйича кўпроқ маблағ, субсидиялар ажратишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди Янгийўл шаҳар ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Мадина Амираева.

Таъкидлаш керакки, Тошкент вилояти аҳолисининг 54 фоизини ёшлар ташкил этади. Йиғилиш давомида «Ёшлар дафтари»га киритилганларга ёрдам кўрсатиш ва мурожаатлар масаласи ҳам танқидий таҳлил қилинди. Бу эса келгуси фаолиятда ўз маҳсулини беради, албатта.

Капитан Азиз НОРҚУЛОВ

# Buyuklar yodi

# ВАТАННИНГ ШЕРҲЮРАК БАҲОДИРИ

Буюк саркарда ва давлат арбоби Жалолоддин Мангуберди жасорати, тарихий сиймоси халқимиз ўтмиши маданиятида, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шу қадар беқиёски, уни ҳеч қандай моддий бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Буни султон Жалолоддин кўрсатган мардлик намунаси, давлат юритишдаги одилона ва оқилона сиёсати асрлар давомида дунё цивилизациясининг мероси сифатида ўрганилиб келинаётгани билан асослаш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан шу йилнинг 29 август куни Хоразм вилоятининг Урганч шаҳрида Жалолоддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасининг очилиши ҳам бу йўлда амалга оширилган муҳим воқеликлардан бири бўлди. Мажмуанинг тантанали очилиш маросимида Султон Жалолоддиннинг ҳаёти ва фаолиятини чуқур ўрганиш, уни халқ, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш зарурлиги таъкидланди. Бунинг натижасида Жалолоддин Мангуберди кўрсатган жасорат ва мардлик намуналарини илмий жиҳатдан ўрганиш янги босқичга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академиясида «Ватаннинг шерҳюрак баҳодири» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбир ҳам шу йўлда қўйилган қадамлардан биридир. Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Мудофаа вазирлиги ҳамкорлигида ташкиллаштирилган давра йиғилишида академия курсантлари ва шахсий таркиби машҳур саркардага алоқадор бир-биридан

қизиқарли янги маълумотлардан хабардор бўлишди. Тадбирда қатнашган таниқли олимлар ва маданият ходимлари саркарда сиймосини шу қадар таъсирли тарзда ифодалаб беришдики, тадбир иштирокчилари Жалолоддин Мангуберди тимсолида ўзгача улғуворликни кўргандек бўлишди.

«Мендирман ўша» шеърининг муаллифи шоир Ботир Эргашев, Мангубердишунос тарихчилар Ҳаким Сатторий ва Жумабой Раҳимов, ёш актёр Аҳрор Алижонов (*Ўзбек миллий академик драма театрида сахналаштирилган «Жалолоддин Мангуберди» спектакли бош роль ижрочиси*), шоира Сайёра Тўйчиева каби ижод аҳли талқинида Жалолоддин Мангубердининг ҳаққоний қиёфаси акс эттирилди. Айниқса, таниқли олим, профессор «Жалолоддин Мангуберди – мардлик ва жасорат намунаси» китоби муаллифи Жумабой Раҳимовнинг чиқиши барчада унутилмас таассурот қолдирди. Олим Султон Жалолоддиннинг ҳарбий нотиклик иқтидорини шу қадар маҳорат



билан таърифладик, барчанинг кўз ўнгига мардлик ва жасоратнинг ҳақиқий тимсоли гавдаланди.

«Чакмоқдек қисқа умри мобайнида ўзбек халқига хос бўлган Ватанга чексиз муҳаббат ва садоқат, юксак ҳарбий салоҳиятни намоён этиб яшаган Жалолоддин Мангуберди каби буюк аждодларимиз билан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Ишонаман, орадан йиллар, асрлар ўтади. Султон Жалолоддин ҳамisha юртимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унга фарзандлик меҳри, иймон-этиқод билан хизмат қилишнинг ўчмас тимсоли бўлиб қолади...» Бўлғуси офицерлар

ижод аҳли талқинида давлатимиз раҳбари томонидан эътироф этилган ушбу сўзларнинг асл ҳақиқат эканлигини яна бир бор ҳис қилишди.

Тадбирнинг иккинчи қисми Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигига бағишланган сахна кўринишлари ва куй-қўшиқлардан иборат бадиий дастур билан давом эттирилди. Бунда Қуролли Кучлар академияси муддатли ҳарбий хизматчилари сахнада ўз иқтидорларини кўрсатиб беришди.

Асрор РЎЗИБОЕВ,  
«Vatanparvar»



## # Ajdodlar merosi

Амир Темур ва Темурийлар даври тарихий манбаларида ҳамда соҳибқироннинг номдор амирлар, элчиларга ёки ўзга юрт ҳукмдорларига айтган фикрларида ҳам унинг ўткир ақли ва зеҳн эгаси, маънавий ва ахлоқий қарашлари, донишмандлиги, илм қаърининг кенглиги, бунёдкорлиги, илм-фан ҳомийси сифатидаги фаолияти ҳақида далилларга бой маълумотларни билиш мумкин.

соҳибқирон Амир Темурнинг Ватанга садоқат, эл-юртни ардоқлаш, мардлик, фидойилик ва адолатпарварлик каби юксак фазилатлари ёш авлод учун ўрнак бўлиб хизмат қилишини инobatга олган ҳолда республиканинг барча ҳарбий академик лицейларига «Темурбеклар мактаби» номи берилсин», дейилган ҳужжатда.

Амир Темурнинг маънавий-ахлоқий меросини ўрганиш ҳозирги кунда долзарб ҳисобланади. «Тузуқлар»дан барчамиз фарзанд тарбиясидан тортиб, ҳарбий хизматчиларнинг маънавий савиясини юксалтириш, миллий тарихимизни чуқур ўрганиш, ушбу маънавий-ахлоқий ҳамда ҳарбий меросни, унинг ибратли ҳаёти ва ҳарбий-сиёсий фаолиятини кенг тарғиб этишда ҳам фойдаланамиз.

шахсий фазилатлари, жумладан, маънавияти, донишмандлиги, олижаноблиги, руҳий поклиги, ҳалоллиги, кечиримлилиги, меҳрибонлик фазилатлари билан бирга қаттиққўллик, талабчанлик, метин ирода, мардлик, жасурлик, чидамлилиқ, фидойилик каби фазилатларини ҳам билишимиз мумкин.

Асар мазмунан икки қисмга бўлинади ва уларда Амир Темурнинг қарашлари, фазилатлари, донишмандлиги намоён бўлади.

Биринчи қисмда Амир Темурнинг сиёсий фаолияти, унинг мўғул хони Туғлуқ Темур билан бўлган сиёсати, давлат ташкил этиши, Афғонистон, Эрон, Озарбайжон, Грузия ва Ҳиндистонни ўз тасарруфига киритиши, Олтин Ўрда хони Тўхтамыш, Турк султони Йилдириш Боязидга қарши ҳарбий юришлари, салтанатни ташкил этиш ва Буюк Ипак йўлини қайта тиклаш йўлидаги тадбир ва кенгашлари баён этилган.

роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталик қисматим бўлди, ранжу меҳнатлар тортдим. Амирлар ва аскарларимни юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва уларни тарбият этдим. Амирлар, сипоҳсолорлар, баҳодирлар билан иттифоқ бўлиб, уларнинг мардлиги мардонворлигига таяниб, шамшир зарби билан йигирма етти подшоҳнинг тахтини эгалладим», деб ёзган эди. Бундан кўриниб турибдики, соҳибқирон ўз аскарларига ибрат намунаси бўлган, уларни деб керакли пайтда машаққатларни ўз бўйнига олган, сипоҳини эса ўзига ўхшаб тарбиялашга интилган. Бу ҳолнинг гувоҳи бўлган аскарлар, баҳодирлар, сипоҳсолорлар Темур атрофида жипслашган, бундай яқдиллик натижасида буюк салтанат барпо этилган.

«Тузуқлар»дан биз Амир Темурнинг олижаноблигини, қатъийлик,



# «ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»НИНГ ТАРБИЯДАГИ

Салтанат бошқарувидаги «Ростирасти» – «Адолатли бўлсанг, нажот топасан» шиори эса нафақат ўз даврида дунё ҳукмдорларини ўзига жалб этган ажойиб воқелик бўлди, балки бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, бутун халқаро миқёсда давлатлар олиб бораётган сиёсатдир.

«Тузуқлар»нинг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида аҳамият берди: «Инсон кадр-қимматини эъзозлаш, бунинг учун ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга қодир бўлган одил судлов тизимини шакллантириш биз учун ўтган икки йил давомида энг устувор вазифага айланди. Буюк соҳибқирон Амир Темур бобомиз Оқсарой пештоқиға «Адолат – давлатнинг асоси ва ҳукмдорлар шиоридир», деган ҳикматли сўзларни ёздиргани бежиз эмас, албатта. Ушбу улғувор ғоя инсон кадр-қимматини олий даражага кўтариш борасидаги амалий ҳаракатларимиз пойдеворига айланди», деб бугунги кундаги адолатни барча соҳада кенг йўлга қўйиш сиёсатимизнинг негизи эканлигини яна бир бор таъкидлади.

2017 йил 5 июль куни эълон қилинган «Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги фармонга асосан, барча ҳарбий лицейлар «Темурбеклар мактаби»га айлантилди. «Буюк давлат арбоби ва саркарда

Амир Темурнинг «Тузуки Темурий» («Темур тузуқлари»), «Малфүзоти Темурий» («Темурнинг айтганлари») ва «Воқиюти Темурий» («Темурнинг бошидан кечирганлари») номи билан жаҳонга машҳур бўлган катта бой маънавий меросида келтирилган соҳибқироннинг инсоний фазилатлари, сиёсий, ҳарбий, дипломатик вазиятларда иқтидори ва метиндек иродасини намойиш этиши, жасорати, мардлиги, зеҳну заковати каби хусусиятлари бугунги давр учун ибрат, ҳаёт мактаби бўлиб келмоқда.

Ҳазрат соҳибқирон маънавиятини англатувчи «Бир кунлик адолатни юз кунлик тоат-ибодатдан афзал», деб ҳисоблаб, «Ростирасти» – «Адолатли бўлсанг, нажот топасан» ғояси нафақат ички ва ташқи сиёсатда, балки ҳарбий бошқарувда ҳам акс этди. Жумладан, «Аскарни энг қўйи мартабадан олий мартабагача тарбиялаб кўтариш ҳақида»ги тузуғи бунга яққол далилдир. Шунга кўра, ушбу нодир манбани «Адолатнинг тантанаси» дейиш мумкин.

Амир Темурнинг маънавий-маърифий қарашлари акс этган «Тузуқлар» асари салтанат ва ҳарбий бошқарув тизими, таъминоти, жангу жадал, уруш майдонига кириш, кўшинни сафлаш, ғаним лашкарларини синдириш каби масалаларни ёритиш билан бирга ўзига хос ҳарбий низом вазифасини ўтаб, соҳибқироннинг шахсий фазилатлари ҳақида ҳам муҳим маълумотларни беради. Унда Амир Темурнинг

Иккинчи қисмда салтанат ва қўшин бошқаруви ҳақидаги тузуқлари (қонунлари) жамланган. Жумладан, салтанатни адолат билан бошқариш учун зарур бўлган талаблар, вазирларга, қўшин бошлиқларига, шунингдек, қўшин тузилиши ва таъминот каби асосан ҳарбийларга йўналтирилган бурч ва вазифалар келтирилган.

«Тузуқлар»да, давлат асоси қуйидаги ўн икки ижтимоий тоифага бўлинад экан, улар фалакнинг ўн икки буржиги қиёсланган:

- 1) сайидлар, уламо, машойих, фозил кишилар;
- 2) ишбилармон, донишманд одамлар;
- 3) ҳудожўй, тарки дунё қилган кишилар;
- 4) нўёнлар (турк-мўғул халқлари орасида: хонзода, туман (10 000 кишилиқ қўшин) бошлиғи), амирлар, мингбошилар, яъни ҳарбий кишилар;
- 5) сипоҳ ва райят (солиқ тўловчи халқ, қора халқ);
- 6) махсус ишончли кишилар;
- 7) вазирлар, саркотиблар;
- 8) ҳақим (файласуф, донишманд, аллома)лар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар;
- 9) тафсир ва ҳадис олимлари;
- 10) аҳли ҳунар ва санъатчилар;
- 11) сўфийлар;
- 12) савдогар ва сайёҳлар ташкил этади.

Унинг тақдирини эса уч нарса: подшо, хазина ва аскар ҳал қилади.

«Тузуқлар»да соҳибқирон «Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда

чидамлилиқ, ҳушёрликда тенги йўқ феъл-атворли одам эканлиги, қилинган бир яхшилиққа ўн карра одамларни тақдирлаб ўзидан рози қилиб, уларни бирлаштира олганлигини билиб оламиз. Шунингдек, кечиримлилиқ хусусияти эътиборга моликдир. Масалан, соҳибқироннинг ўзи «Менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтарганлар, ишимга кўп зиён етказганларни ҳам, агар улар илтижо билан тавба-тазарру қилиб келсалар, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирамдан ўчирдим. Мартабаларини оширдим. Улар билан муомалада шундай йўл тутдимки, агар хотираларда менга нисбатан шубҳаю қўрқув бўлса, бутунлай унутишар эди».

Ёки 1360 йилда Алибек Жониқурбоний соҳибқироннинг рафиқаси Ўлжой Туркон оғани ҳам 60 кун тутқунликда бургага тўла қоронғу хонада зиндонбанд қилган инсонга ҳам Амир Темур кейинчалик кўп мурувватлар кўрсатгани каби кечиримлилиқ жиҳатларига мисоллар талайгина. Ёки «Амир Ҳусайн менга асир тушиб қолгандан кейин, унинг навкарлари ва амирлари «Энди бизни ўлдирди», деб гумон қилган эдилар. ... «Ахир булар аскарлар-ку?» деб барчаларини авф этдим ва яна аскарликка тайинладим, дейди.

Ҳақиқатан ҳам Низомиддин Шомийнинг «Зафарнома», Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарларида аввал соҳибқиронга душманлик мақомида бўлган кўпчилик амирларнинг кейинчалик унга содиқ хизмат қилганига гувоҳ бўламиз.



Амир Темур хизмат кўрсатган ҳарбийларга алоҳида муносабатда бўлган. «Тузуқлари»даги «Сипоҳ ва раиятни шундай тутдимки, бирон-таси иккинчисига зулм кўрсатиб, оёқости қилолмас эди. Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини кўрсам, уни тарбиямга олдим», деган фикрларидан шуни англаш мумкинки, Амир Темур сипоҳ ва раиятга бирдек қараганлиги, сипоҳийлардан чиққан баҳодирлар, довюрақларни мартабасини кўтарганлиги унинг давлатчиликни мустаҳкамлашдаги асосий тамойилларидан бири бўлган. Соҳибқирон сипоҳ ва раиятни ўзаро уйғун тушунча сифатида билган, ақли ва шижоатли кишиларни кадрлаган, улар вақти келганда энг масъулиятли лаҳзаларда мамлакат тақдирига, хавфсизлигига жонини фидо қилишига маънан тайёр бўлишига ишонган.

Хусусан, кекса сипоҳийлар ҳурмати жойига қўйишни таъкид-

ла йиғиштириб қўйган, хоинлик йўлига ўтган сипоҳий лаънатланган ва жазога тортилган.

Машҳур иқтисодчи олим, академик Владимир Квинтнинг «Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: Тузуқларга изоҳлар» номли асаридан Амир Темурни стратег етакчи ва «Тузуқлар»ни эса стратегик асар сифатида юқори баҳолаётган экан, соҳибқироннинг жамият тараққиётидаги жараёнларни олдиндан кўра билганлиги, уни ўз вақтида тўғри баҳолаётганлигини эътироф этади. «Тузуқлар»да соҳибқироннинг давлат қурилиши, ўша давр стратегия назарияси нуқтаи назаридан бошқарув борасидаги долзарб қарашлари ўз ифодасини топган. Муаллиф «Тузуқлар»ни стратегик қўлланма деб атайди ва замонавий нуқтаи назардан шарҳлаб, 600 йил аввал ифодаланган фикрларнинг долзарблигини кўрсатувчи стратегия фалсафасини бугунги кун билан боғлайди.

ли устунликка эришиш, миллионлаб инсонларнинг орзу умидлари ва иштиёқларини бирлаштиришда, ўз олдига қўйган марраларга осон эришиш каби жуда кўплаб тараққиёт масалаларида қўл келади.

Агар биз «Тузуқлар»даги сатрларга назар ташлайдиган бўлсак, унинг умри давомидаги ҳаётида юритган сиёсатидан ва тадбирларидан ниҳоятда қимматли хулосалар чиқарганлигининг гувоҳи бўламиз. Жумладан, асарда шундай дейилади: «Тажрибамдан кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради», деган фикри тажрибада синалган маълумотларидир. «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир», ёки «Юз минг отиқ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин», шунингдек, «Бир ишга киришмай туриб, ундан қутилиб чиқиш йўллари мўлжаллаб қўй», «Агар ерда ва кўкда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур» каби доно ўғитлари шулар жумласидандир. Унинг бу каби юзлаб ибратли ва кенг маъноли ўғитлари фақат ҳаётдан олган сабоқларининг мевасидир.

Академик Акмал Саидов соҳибқироннинг адолат бобида юритган сиёсати ҳақида Ибн Арабшоҳнинг кўйидаги фикрларини келтиради: «Агар биров бировга зулм қилса, ҳатто, у Темурга ота ёки бола ўрнида бўлса ҳам, ёки заррача бўлса ҳам ноҳақлик кўрсатса, ёки наҳбу-ғорат тўғрисида сўз очса, зинҳор унинг мол-мулкию қони (*беҳудага*) оқизилар, унинг ҳурмати ва ҳарами таҳқир қилинар эди. На надомат, на шафоат (*тилаш*) унга нажот келтирмас, аҳли ва хизматкорлари унга наф қилмасди ва бирон кимса томонидан «у билмасдан шундай (*иш*) қилиб қўйибди», дейилмасди. Бу, гўёки бузилмас (*қатъий*) бир қоидаю емирилмас – (*мустаҳкам*) бир бино эди».

Л. Керен ва А. Саидов Амир Темурнинг сиёсатда адолат меъерларига мувофиқ иш юритганлигини «Тузуқлар» асосида изоҳлар эканлар, «Ҳар қандай одам менинг адолат девонимдан паноҳ топган экан, гуноҳи бўлса ҳам уни кечирсинлар» ёки «Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим» – каби Амир Темур илгариги даврдан фарқли ҳолда жамият барча табақаларининг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини инobatга олиб, уларнинг ҳаёти учун зарур ижтимоий заминни вужудга келтирган, ҳар бир тоифанинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари кафолатлаб қўйилганлигини асослайдилар.

«Тузуқлар»даги соҳибқирон ҳикматлари ҳозирги кунда халқ мақолларига айланган десак, муболаға бўлмайди. Жумладан:

- адоват эмас, адолат керак;
- бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал;
- бир қалима ширин сўз қилишни кинга қиритар;
- душмандан кўркма, мунофиқдан кўрк;
- сўзлагувчи гарчи нодон бўлса ҳам тингловчи доно бўлсин;
- ақлли душман жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан;

– яхшини ёмон кунда имтиҳон қил;

– бошсиз мамлакат – жонсиз танадир;

– юз минг отиқ аскар қилолмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

Соҳибқирон ҳикматларини бугунги кунда ҳам долзарблиги ва аҳамияти ортиб бормоқда. Жумладан:

– маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, ҳушёрлик билан мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Кўп нарсани билиб турсамда, билмасликка олдим, дўсту душман билан муросяю мадора қилдим;

– салтанат тўнини кийгач, тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузуридан воз кечдим. Душманларни дўстга айлантирдим. Сабр бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим;

– бутун мамлакатда буйрук, фармон бериш ишлари подшоҳнинг ўзида бўлиши лозимки, ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб ўзгартира олмасин;

– амалдорларнинг ҳар бири ўз лавозими ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъво қилмади;

– дўсту душманлигига қарамай, душман жангчиларини ҳам ҳурмат қилдим, чунки улар ўзларининг жонларини ҳалокатга қўйиб, қурбон қилишга отланадилар;

– менга ёмонликлар қилиб, бошим узра шамшир кўтариб, кўп зиён етказганларни ҳам тавба қилгач, ҳурматлаб, ёмон қилмишларини хотирадан ўчирдим, мартабаларини оширдим. Менга нисбатан дўстлик мақомида бўлишига эришдим;

– менга ҳасад қилиб, ўлдиршига қасд қилган кишиларга совғинъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, яхшиликларимни кўриб, ҳижолат терига фарқ бўлдилар;

– «Ҳеч кимдан ўч олиш мақомида бўлмадим. Тузимни тотиб менга ёмонлик қилганларни Парвардигори оламга топширдим. Иш кўрсатган, шижоатли эр-йигитларни қошимда тутдим, кўнгли бузук кўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим».

«Тузуқлар»дек қимматли сиёсатнома ва қонуннома асар мана олти асрди ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Соҳибқироннинг тенгсиз ақл-заковати, истеъдоди ва ҳаётий тажрибаси билан йўғрилган бу асар ўз даврида ҳозирги қомус ва қонунлар мажмуига хос вазифани ўтади. «Темур тузуқлари» Амир Темур давлатининг ҳуқуқий асосини ташкил этди. Бу асар нафақат ўз даври, балки бугунги кун ва келажак учун ҳам катта аҳамият касб этувчи қомус бўлиб қолади.

Соҳибқироннинг ватанпарварлиги, мардлиги, юрт тинчлиги ва фаровонлиги, равнақи учун қалқон бўлиш каби фазилатлари нафақат шахсий намуна, балки теурий шахзодалар – Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо, Шохруҳ Мирзо, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур кабилар фаолиятида ҳам мужассам бўлган.

**Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
**Қуролли Кучлар**  
**Ҳарбий мерос ва замонавий**  
**тадқиқотлар институти**  
**катта илмий ходими, т.ф.н.,**  
**доцент Дилшод ЧОРИЕВ,**  
**бош илмий ходим**

# МАЪНАВИЙ- АХЛОҚИЙ АҲАМИЯТИ

лаган ҳолда улардан керакли маслаҳатлар олиш лозимлигини алоҳида қайд этади. «Тузуқлар»да бу хусусда соҳибқирон уларни ҳатто «салтанат корхонасининг устунлари» деб шарафлаб, улардан кейин юқори ҳурматни ўғилларига нисбатан кўрсатишни таъкидлаган.

Амир Темур душман томонидан асир бўлиб тушган сипоҳийга танлаш ҳуқуқини берган. Агарда улар ихтиёр этишса, соҳибқирон қўшинига ҳам қабул қилинишлари мумкин бўлган, агар йўқ дейишса, тинчлик йўли билан озод этиб, уйларига жўнатиб юборишган. «Тузуқлар»да соҳибқирон Боязиднинг асир тушган 4 000 нафар аскарини озод этганлигини мисол тарзида келтиради. Бу билан Амир Темур оддий аскар, сипоҳийларнинг ҳақ-ҳуқуқи, эркини ҳимоя қилиб, ўз даври учун илғор ҳамда тараққиётпарвар нуқтаи назарни илгари сурган. Соҳибқирон ғаним томонидан унинг ҳузурига паноҳ излаб келганларга ҳам марҳамат кўрсатган. «Тузуқлар»да Амир Темур Шер Баҳром ва Менгли Буға номли саркардаларнинг у томонига ўтганлиги боис, тегишли равишда иззат-ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилганлигини эслатиб ўтади.

«Тузуқлар»да соҳибқирон «Қайси бир аскар туз ҳақи ва вафодорликни унутиб, хизмат вақтида ўз эгасидан юз ўгириб, менинг олдимга келган бўлса, ундай одамни ўзимга энг ёмон душман деб билдим», деб ёзиб қолдирган. Демак, Темур армиясидаги сипоҳ вафодор бўлиши, хоинлик қилмаслиги энг асосий шартлардан бири ҳисобланган. Вафодорлик ва ҳақиқатни бир чеккага

В.Л. Квинт асарда «Тузуқлар»даги гоё ва қарашларни замонавий талқин билан изоҳлаган, салтанат ва дипломатияда юритилган адолатли бошқарув сиёсатини бошқа асосий манбалар асосида ҳам ўрганиш орқали муваффақиятли очиб беришга эришган, соҳибқирон шахси ва стратегик фаолиятига ҳаққоний юқори баҳосини берган. Олим Амир Темурни салтанат бошқарувини барча соҳаларидаги фаолиятига юқори баҳо берар экан, юртнинг ички ва ташқи сиёсатида, ҳарбий соҳасидаги ажойиб стратегик тафаккурини ёритиб, соҳибқиронни «даҳо» деб атайди. Айниқса, Амир Темурни жаҳоннинг буюк саркардаларидан бири сифатида тан олиши, унинг муваффақиятли ғалабалари, чуқур ўйланган стратегия ва тактикаларининг мутлақо ноёб намуна эканлигини илмий асослай олган. Владимир Квинт Амир Темурнинг қўшин бошқарувида 313 нафар кишига амирлик мартабасининг берилиши нафақат соҳибқирон томонидан, балки Шарқ халқлари аънавалари давом эттирилганлигини таъкидлайди.

Академик В.Л. Квинт «Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: Тузуқларга изоҳлар» асарининг илмий қиймати шундан иборатки, унда олим Амир Темур қарашларининг замонавий талқинини изоҳлайдики, ушбу Тузуқлардан бугунги кун тараққиётида ҳам кенг фойдаланиш учун мисоллар ва тавсияларни келтиради. Жумладан, бугунги глобаллашув даврида муштарак манфаатларни ифодаловчи стратегик устуворликларни аниқлаш, рақобат-



# JANUBI-G'ARBIY MAXSUS HARBIIY OKRUG 24 YOSHDA

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug tashkil etilgan kun munosabati bilan okrug boshqaruv apparatida tantanali tadbir bo'lib o'tdi.

Dastlab okrug qo'shinlari qo'mondoni general-mayor Zaynobiddin Iminov shaxsiy tarkibga tabrik nutqini o'qib eshittirdi. Shundan so'ng okrug ravnaqiga o'z hissasini qo'shib kelayotgan ofitserlar, serjantlar, Qurolli Kuchlar xizmatchilari tantanali taqdirlandilar. Navbatdagi harbiy unvonlar, faxriy yorliq, esdalik hamda qimmatbaho sovg'alarni harbiy orkestr sadolari ostida qabul qilib olayotgan shaxsiy tarkibning shijoati yanada ortgani shubhasiz. Mehmonlar qo'shinlar qo'mondoni boshchiligida okrug shonli tarixi muzeyi bo'ylab sayohat qilishdi.

Mintaqa va butun dunyoda kechayotgan harbiy-siyosiy vaziyat inobatga olinsa, davlatimiz mudofaasida okrugning bugungi o'ri juda yuqori. Bajarilayotgan ishlar ko'lami ham shunga yarasha, albatta. Okrug qo'shinlari mamlakatimiz



janubiy sarhadlarining ishonchli himoyasi va xavfsizligini ta'minlash yo'lida mas'uliyatli vazifalarni mardonavor ado etib kelmoqda.

So'nggi yillarda davlatimiz tomonidan mudofaa tizimiga qaratilayotgan e'tibor samarasi o'laroq, Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrugda ham ulkan islohotlar amalga oshirildi. Termiz, Nuriston, Muborak hamda Buxoro dala-o'quv maydonlarining

infratuzilmalari tubdan qayta barpo etilib, zamon talablariga javob beradigan maishiy shart-sharoitlarning yaratilganligi harbiy xizmatchilarning kuchiga kuch, g'ayratiga g'ayrat qo'shdi. Bunday sharoitlar jangovar hamda ma'naviy-ma'rifiy tayyorgarlik mashg'ulotlarining to'laqonli va sifatli o'tkazilishini ta'minlaydi. Mashqlar ham ruhan, ham jismonan kuchli harbiy xizmatchilarni shakllantiradi, bu esa mustahkam mudofaa demakdir. Yaratilayotgan sharoitlar o'z samarasini

berishi tabiiy. Xalqaro armiya o'yinlarida erishilayotgan qator g'alabalarga ham okrug harbiy xizmatchilari o'z hissasini qo'shib kelmoqda.

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug qo'shinlarida xizmat o'tayotgan harbiy xizmatchilarning ijtimoiy himoyasi yo'nalishida ham ulkan ishlar amalga oshirildi. Jumladan, birgina 2022-yilning o'zida 164 ta xonadonni o'z ichiga olgan 16 ta ko'p qavatli uy qurilib, foydalanish uchun topshirildi. Bundan tashqari 124 nafar harbiy xizmatchining farzandlari oliy ta'lim muassasalariga kirishlari uchun imtiyozli tavsiyanoma bilan taqdirlandilar.

Muxtasar aytganda, bugunning harbiy xizmatchisi uchun barcha shart-sharoitlar muhayyo. Yurt himoyachilaridan faqatgina sadoqat bilan xizmat qilish talab etiladi. Shu o'rinda Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrugda faoliyat yuritib kelayotgan barcha harbiy va Qurolli Kuchlar xizmatchilarini okrug tashkil etilganligining 24 yilligi bilan samimiy tabriklaymiz.

Podpolkovnik Nozimjon BULTUROV



## # Armiya va yoshlar

# МУШОИРА ЭТАДИ ДАВОМ

Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrug Termiz garnizonidagi harbiy qismda b'ulib u'tgan ochiq zshiklar kuni rasmiy tantana bilan bo'slandi. Qurolli Kuchlar faxriylarining i'bratli x'et i'vli va tилаклари, harbiy xizmatchilarning k'ul jan'gi b'uyicha chiqishlari u'quvchilarning olqishiga sazovor b'uldi.

Shundan s'ung me'xmonlar harbiy qismdagi shart-sharoitlar bilan yaqindan tani'shdilar. Jangovar texnikaalar va quroll-aslahalar namoyishi u'quvchi-e'shlarni jismoniy toblaydigan, chidamliliklarini sinovdan u'tkazadigan u'yinlar'ga ulanib ketdi. Musobaqa shartlarini chayir u'g'il-qizlar bir-birlaridan qolishmay bazar'dilar.

- Ushbu tadbir biz uchun foydalil ma'lumotlar'ga boy b'uldi. Istefoda'gi harbiy xizmatchilarning bir necha i'yllik boy tajribalaridan gapirib berganlari, savollarimiz'ga javoblari Vatan ximoyachilariga b'ulgan xurmatimizni yanada oshirdi. Mu'ximi, ularni na'faqat jangovar va jismoniy tomondan, balki ma'naviy ji'xatdan xam qaytadan kashf qil'dik, - deydi



Termiz shaxridagi 9-umumta'lim maktabi u'quvchisi Mirjalol Qosimov.

Harbiy qism kutubxona mudirasi Maftuna Jumaeva i'g'il-ganlarni z'ie maskaniga chorladi. Harbiy qism kutubxonasidagi mu'soira esa uzoq davom etdi. Avvaliga u'zbek tiliga davlat tili ma'qomi berilgan sana munosabati bilan bo'slangan davra su'x'abati baxru baytga ulandi. Termiz shaxridagi 9-umumta'lim maktabining u'g'il-qizlari sira b'ush kel'madi. Harbiy xizmatchilar xam e'd olgan sh'e'r va fozallari bilan ular'dan qolish'madi. Ni'xoyat, «raqib»lar sh'e'r-xonlikni kel'gusi ochiq zshiklar kunida davom ettirishga kelishi'ib oldilar.

Abdullo'x U'KTAMQU'LOV



# Islohot

Инсон қадри улугланаётган, барча ислохотлар унинг эркин, фаровон ва бахтли ҳаёт кечириши учун хизмат қилаётган Янги Ўзбекистонда ҳарбий соҳада амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирлар доирасида юрт ҳимоячилари ва уларнинг оила аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, яшаш шароитларини яхшилаш ва янги уй-жойлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

# ЮКСАК ЭЪТИБОР – МУВАФФАҚИЯТ ОМИЛИ

**А**на шундай эзгу ишлар рўёбини Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари қўмондонлиги ҳарбий қисмлари мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида жойлашган ҳарбий қисмда қисқа фурсатларда замон талаблари асосида икки қаватли хизмат уйининг қуриб фойдаланишга топширилиши, бу ерда сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаётган юрт посбонлари ва уларнинг оила аъзолари ҳаётида унутилмас воқеа бўлди.

Хизмат уйининг тантанали очилиш маросимида Чегара қўшинлари масъул офицерлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг яқинлари, вилоят ҳокимлиги вакиллари ҳамда фахрийлар жам бўлдилар. Тадбирда сўз олганлар бугун Қуролли Кучларимизда амалга оширилаётган ислохотлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар, берилаётган имтиёзлар хусусида тўхталиб, фойдаланишга топширилаётган янги хонадонлар ҳам сарҳадларимиз ҳимоячиларининг оилалари фаровонлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга эканини таъкидладилар.

Шундан сўнг янги хонадонларнинг калитлари тантанали тарзда ўз соҳибларига топширилди. Кўзни қувонтираётган бинонинг рамзий боғичлари кесилгач, меҳмонлар баланд, ёруғ, шинам хонадонларни кўздан кечириб, бу ерда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун барча қулайликлар яратилганига гувоҳ бўлдилар. Барчага чексиз қувонч ва шодлик бағишлаб, ҳақиқий байрамга айланиб кетган тадбир, шўхчан тароналар ҳамда рақсларга уланиб кетди.

Ҳарбий оилаларга қувонч улашган ана шундай тадбирлардан яна бири Бекобод туманида жойлашган ҳарбий қисмда ҳам бўлиб ўтди. Замонавий услубда қурилиб, барча шароитларни ўзида жамлаган хонадонларни сарҳадларимиз посбонларига топширишга бағишланган тантанали маросим анъанага кўра, карнай-сурнай садолари остида бошланди.

Унда маҳалла аҳолиси, жамоатчилик вакиллари, Чегара қўшинлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди. Самимий табригу қутловлар айтилгач, ҳарбий оилалар ўз бахт кўрғонларининг калитларини тантанали тарзда қабул қилиб олдилар.

– Менинг асосий вақтим ошхонада ўтади, – дейди янги хонадон соҳибаларидан бири Хурсандой Асадова. – Турмуш ўртоғим ва фарзандларим учун мазали таомлар, ширинликлар тайёрлашни яхши кўраман. Янги хонадонимизда бунинг учун барча шароитлар муҳайё. Уйимиз ҳовлисида фарзандларимиз учун болалар майдончаси ҳам мавжуд. Биз бундан жуда хурсандмиз ва барчага ўз миннатдорлигимизни билдираемиз.

Жанубий сарҳадларимизни қўриқлаш ишида жонбозлик кўрсатиб келаётган Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида жойлашган бўлинма ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзолари ҳам бу йилги қиш мавсумини янги, шинам ва иссиқ хонадонларда қарши оладиган бўлдилар. Улар учун барпо этилган янги ҳарбий шаҳарчада чегарани қўриқлаш взводи маъмурий биноси, хизмат уйи ва мактабгача таълим ташкилотининг 20 ўринга мўлжалланган қисқа муддатли гуруҳи биноси қад ростлади.

Маъмурий бинода чегарани қўриқлов тизимига жорий этилган видеокузатув мосламалари, ҳарбий хизматчиларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол бўлишлари учун маънавий-маърифий ва жисмоний тайёргарлик хоналари, спорт майдони, кутубхона, юрт посбонлари-

нинг саломатликларини мунтазам равишда назоратдан ўтказиб бориш учун тиббиёт пункти, кўркам ва шинам ошхона, маданий ҳордиқ чиқариш хонаси, шунингдек, транспорт воситалари учун автотураргоҳ, чегара қўриқловида беминнат кўмакчи бўлган хизмат ҳайвонларини сақлаш учун ҳам махсус бинолар бунёд этилди.

Биноларнинг тантанали очилиш маросими кўтаринки руҳда ўтди. Унда жам бўлганлар бу ерда чегарачи ўғлонларнинг хизмат фаолияти учун ҳам, оиласи учун ҳам барча қулайликлар яратилганини алоҳида эътироф этиб, энди улар оиласидан кўнгли тўқ ҳолда янада юксак масъулият билан юрт ҳимоясига отланишларини таъкидладилар. Шу кунни, айниқса, кичкинтойларнинг қувончи чексиз бўлди. Зеро, энди улар уйларининг ёнгинасида фаолиятини бошлаган боғчада тарбияланадиган бўлдилар. Бу эса, ўз навбатида, ҳарбий оила бекаларига ҳам қулайлик туғдириши, шубҳасиз.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, кўрсатилаётган бу каби ғамхўрлик ва юксак эътибор сарҳадларимиз дахлсизлигини туну кун ҳимоя қилиб, тинчлигимизни асрашдек шарафли касбни сидқидилдан бажариб келаётган чегарачи ўғлонларнинг кучига куч, қудратига қудрат қўшиб, янги-янги зафарлар сари ундайверади.



Майор Фарида БОБОЖОНОВА  
ДХХ Чегара қўшинлари





# БЎЙИН ОҒРИҚЛАРИ: УЛАР ҚАНЧАЛИК ЖАВФЛИ?

Цервикалгия, яъни бўйин оғриғи бугун кенг тарқалган оғриқ синдроми саналади. Маълумотларга кўра, ҳозирда дунё аҳолисининг тахминан 10 фоизи бу оғриқдан азият чекмоқда. Афсуски, улар сафида ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Унинг келиб чиқиш сабавлари эса асосан кун бўйи ўтириб ишлаш ва ҳаракатсиз турмуш тарзини кечиришдир. Шунингдек, олимлар мушаклар, лигаментлар, артрит ёки нерв илдизининг сиқилиши, умуртқа поғонасининг бир қатор касалликлари, томоқнинг инфекция касалликлари, шишган лимфа тугунлари, ҳатто сил, остеомиелит, септик дискит ёки менингит касаллиги, орқа мия жароҳати, йиқилиш, турли бахтсиз ҳодисалар ҳам бўйин оғриғига сабаб бўлишини таъкидлайдилар. Хўш, уни қандай даволаш мумкин ёки унга дучор бўлмасликнинг профилактик чоралари нималардан иворат? Қуйида шу ҳақда батафсил маълумот берамиз.

## ҲАРАКАТНИ ЧЕКЛАЙДИ

Цервикал (бўйин) умуртқа поғонасининг энг ҳаракатчан аъзоси ҳисобланади. У инсон бошининг эркин ҳаракат қилишига ёрдам беради. Бу умуртқа поғонасида 7 та вертебра мавжуд бўлиб, улар бошқа вертебра ва тўқималарга қараганда кам ҳимояланган ва шикастланишга ўта сезgirлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бўйин мушакларини зўриқтирмаслик, ташқи таъсирлардан асраш муҳимдир. Афсуски, бугун ҳаётимизнинг тўлиқ компьютерлаштирилиши ва турли ташқи таъсирлар тўғрисида инсонларда бўйин мушакларининг шикастланиши ва натижада бўйин оғриғи синдромининг авж олишига сабаб бўляпти.

Бўйин оғриғи эксенел (асосан бўйин қисмида) ва радикуляр (оғриқнинг елка ва қўлларга туташини) бўлиб, ўткир ёки сурункали турларга бўлинади. Ўткир бўйин оғриғи бир-икки кундан 6 ҳафтагача, сурункали бўйин оғриғи эса 3 ойдан бир неча йилларгача чўзилади.

### Аломатлари:

- бошни ҳаракатга келтирганда, тонуснинг ортиши;
- бош оғриғи;
- бошни айлантирганда, бўйиндаги чекланиш;

- бош айланиши;
- қулоқларда шовқин;
- юриш пайтида беқарорлик;
- қўлларнинг кучсизланиши;
- елка ва бўйин мушакларидаги кучланиш.

Бўйиндаги оғриқ асосан бўйин мушаклари ҳаракатга келганда ёки таранглашганда пайдо бўлади. Натижада инсонда ҳаракатланиш имконияти қийинлашади. Бу, ўз навбатида, унинг ишчанлик қобилиятини чеклаб, ҳаёт сифатига ҳам таъсир қилади. Шунинг учун бўйингизни ҳаракатлантирганингизда оғриқ ёки ноқулайлик сезсангиз, бефарқ бўлмасдан зудлик билан шифокорга мурожаат қилишни унутманг!

## ҚАНДАЙ ДАВОЛАНАДИ?

Цервикалгия, одатда уни келтириб чиқарган сабабга қараб даволанади. Даволашнинг стандарт усуллари эса қуйидагиларни ўз ичига олади:

- оғриқ ва яллиғланишни енгиллаштирадиган стероид бўлмаган дориларни буюриш;
- жисмоний терапия (бўйин мушакларини чўзиш ва мустаҳкамлаш учун машқлар);
- транскутан электр нерв стимуляцияси (ТЭНС) ёрдамида оғриқни келтириб чиқарадиган нервлар яқинидаги терига паст да-

ражадаги электр токи қўллаб, оғриқ сигналини бузиш ва оғриқни камайтириш;

- оғриқ ва яллиғланишни бартараф этиш учун нерв илдиэлари яқинига инъекция қилиш;

- сиқилган ёки шикастланган орқа мия дискларини тиклаш ёки умуртқа поғонасидаги баъзи умуртқаларни бирлаштириш учун жарроҳлик амалиётини олиб бориш.

## БЎЙИН ОСТЕОХОНДРОЗИ

Бўйин остеохондрози асосан 35 ёшдан юқори бўлган одамларда кузатилади. Жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланмайдиганлар бу касалликка мойил бўладилар.

Белгилари: бунда бўйин-энса соҳасида оғриқлар пайдо бўлиб, елка ва қўлларга тарқайди. Бемор бўйинини турли томонларга бурганда, елкаси ёки қўлларини кўтарганда, оғриқ кучаяди.

Маълумки, бўйин умуртқа поғонасининг энг ҳаракатчан қисми бўлиб, у бошни тутиб тургани сабабли доим босим остида бўлади. Бундан ташқари, тананинг бўйин қисмида бир қанча асаб томирлари ҳамда умуртқа артерияси ҳам ўтади. Унинг вазифаси орқа мия қон томирларини, узунчоқ мияни қон билан таъминлаш ҳисобланади. Танадаги ҳаракатнинг ўзгариши, бош айланиши, кўзнинг хиралашиши ва эшитиш қобилиятининг сусайиши артериянинг шикастланганлигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам бўйин остеохондрози ўз вақтида даволанмаса, инсультага олиб келиш эҳтимоли ортади.

## ТЕЛЕФОН БЎЙИН ГРИЖАСИГА САБАБ

Бугун инсонлар ўртасида бўйин умуртқалари диск чурраси касаллиги ҳам кўп учрамоқда. Хўш, у қандай намоён бўлади? Сабаблари эса қуйидагича:

- бўйин ва умуртқа поғонасига оғирлик қилувчи бир хил ҳаёт тарзи;
- бошга оғир нарсанинг тушиб кетиши ёки баланддан йиқилиб тушиш, йўл-транспорт ҳодисаларида бўйин умуртқаларининг кескин қайрилиши каби жароҳатлар.

Бўйин умуртқалари орасида пайдо бўлган диск чурралари энса ва бўйин-елка соҳаларига оғриқлар беради, бунда ҳам қўлларни кўтарганда, орқага қайирганда, оғриқлар кучая-

ди, ҳаракат қилиш чегараланади, қўлларда ҳолсизлик пайдо бўлади. Баъзида бош мия томон йўналган умуртқа томирлари сиқилиши сабабли бош айланиши ва юрганда гандираклаб кетишлар ва қулоқда шовқин кузатилади.

Маълумотларга кўра, бугун бу касаллик кўпайишининг сабабларидан бири телефондир. Мулоҳаза қилиб кўринг, ўртача 6 кг.лик бошни турли градусларда буриш, айлантиришда энг катта оғирлик бўйинга тушади. Худди шундай бўйинни доимий равишда эгиб туриш ёки кескин кўтариш ҳам уни зўриқтиради. Бу эса умуртқалараро дисклар зарарланишига олиб келади ва оқибатда бўйин грижасини келтириб чиқаради.

## УЙДА ДАВОЛАНИШ МУМКИНИМИ?

Бу касалликларни уй шароитида даволаб бўлмайди. Ундан халос бўлиш учун шифокорга мурожаат қилиш зарур. Эсингизда бўлсин: касаллик эрта аниқлангандагина, даволаш самарали кечади. Касаллик кеч аниқланганда эса даволанишнинг асосий мақсади оғриқдан халос бўлишга қаратилади.

## ОҒРИҚДАН АЗИЯТ ЧЕКМАЙ ДЕСАНГИЗ

Олимларнинг фикрича, энг кўп тарқалган бўйин оғриғи компьютер қаршисида узоқ вақт ва нотўғри ўтиришдан келиб чиқар экан. Кўпчиликка таниш вазият: сиз монитор қаршисида ўтирдигиз-у, соатлаб ишга шўнғиб кетдингиз. Бундай ҳолатда узоқ муддат бўйингизни тутиб туришингиз мутлақо нотўғри эканлиги ёдингизга ҳам келмайди. Натижада эса аста-секинлик билан бўйин оғриғи сизни забт эта бошлайди.

Сиз, аввало, умуртқа поғонасига қандай ғамхўрлик қилишни ўрганишингиз керак. Бунинг учун умуртқа поғонасини тўғри тутинг. Агар кун бўйи компьютер қаршисида ўтириб ишлайдиган бўлсангиз, ҳар ярим соатда ўрнингиздан туриб, бўйингизни тахминан 2 дақиқа ўнг ва чап томонга ҳаракатлантиришга одатланг. Шунингдек, бўйин учун мўлжалланган бошқа махсус машқларни ҳам бажариш фойдадан холи бўлмайди.

**Г. ҲОЖИМУРОВОВА**  
тайёрлади.



## # Turmush chorraxasi

**Муталбек мардикор  
возорда узоқ  
ўтирмади. Қўлида  
уй таъмирлаш  
асбоблари билан  
турган ёш йигит  
етмишларга  
яқинлашган  
Алимжон ака билан  
тез тил топишди.**



## НИЯТ

(воқеий ҳикоя)

– Кетдикми, ўғлим, меҳнатинг ҳақини айтганимдек чиройли қилиб бераман, – манзилга етгунга қадар йигит бажарадиган иш ҳақида гапириб кетди мўйсафид. – Шу десанг, холанг иккимиз ўтирадиган икки хона уй анча таъмирталаб бўлиб қолди. Таъмирлашга кетадиган ҳамма нарсани тахт қилиб қўйганман. Борасану, ишни бошлайверасан. Енгил-елпи уй таъмирлаш ўғилларнинг қўлидан келади-ю, ҳаммаси иш билан банд.

– Ўғилларингиз ўқиганми, амаки? – енгил машинани чаққонлик ила ҳайдаб кетаётган отахонга ҳавас билан қараб сўради Муталбек.

– Етти ўғил-қизни ўқитдик, касб-корли қилдик, – фахр билан жилмайиб жавоб қайтарди Алимжон ака. – Ҳозир барчаси давлат ишида ишлайди.

– Мен ҳам мактабда яхши ўқиганман, орзуларим кўп эди. Ҳарбий бўлмоқчи эдим, – хўрсинди йигит. – Кутилмаганда отам бедаво фойдалансанг бўлгани, ҳали сенда имконият бор, – йигитнинг кўнглини кўтарди отахон. – Фақат ниятинг ҳаммаша юрагингда барқ уриб турсин, уни сўндирма.

– Отам ҳам оламдан ўтишидан аввал «Мендан кейин оила ташвиши сенинг зимманга тушади. Онанг, укаларингга меҳрибон бўл. Аммо мақсадингдан воз кечма, сенга ишонманам, буни уddenлайсан, ўғлим», деганди.

– Отанг сенга ишонганми, демак, уddenлайсан!

– Раҳмат, отахон, сўзларингиздан анча куч олдим...

Муталбек шижоат билан уй таъмирлашга киришиб кетди. Бундай ишларни кўп бажаргани учун етарлича малака орттирган йигит иш кўламини белгилаб олди: «Бир ҳафтада бу ишни тугатсам, укаларимга кийим-бош оламан. Онамни дўхтирга кўрсатаман, – хаёлидан ўтказди у. – Инсофли одамлар экан, яхши ҳақ тўлаяпти. Яна шундай иш чиқса эди, қишга ҳам бир-икки сўм жамғариб қўярдик. Қишда иш топилиши қийин. Топилганда ҳам совуқда ишлаш осон эмас, унум бўлмайди. Отахон айтганидек, мақсадим томон ҳаракатни бошлашим керак. Фақат қандай қилиб...»

– Ҳорма, йигит, – пешонасини чит дурра билан тангиб, уй ичини шувоқ қилаётган Муталбек очиқ деразадан унинг ишини кузатиб турган ҳарбий либосдаги йигитга кўзи тушди. – Ёлғиз ўзинг қийналмаясанми?

– Саломат бўлинг, ака. Ёлғиз ишлашга ўрганиб кетганман.

– Қийналмаётган бўлсанг, яхши, чарчама.

– Раҳмат, ака.

Муталбек ҳовли саҳнидаги катталар ўтирган сўри томон кетаётган йигит ортидан термилганча қолди. Тўғрироғи, унинг эгнига ярашиб турган ҳарбий либос йигитни бир муддат маҳлиё қилиб қўйганди. «Подполковник экан», ўзига ўзи пичирлади у ва шу либосда ўзини кўз олдига келтириб армон ила хўрсинган кўйи ишини давом эттирди.

– Дада, айтганингиздек ғайратли кўринадиди уста йигит, – отасининг фикрини тасдиқлади Собиржон. – Иш сифати ёмон эмас.

– Ҳа-а, ўн етти ёшдан буён шу иш билан шуғулланаркан. Оиласининг ёлғиз боқувчиси. Аммо бўламан деган бола экан. Ўқиса, оиласигаям, юртгаям кўпроқ фойдаси тегарди.

– Шароит сабаб ўқимаган бундай йигит-қизлар кўп, дада.

– Боламни уч ой деганда энди кўрдим, – ота-боланинг суҳбатини бўлди Ҳожира опа. – Соғинганман, менам гаплашай. Дамлаган чойим ҳам совиб қолди.

– Бўлди, бўлди, аяжон, – онасининг елкасидан кучди Собиржон. – Ҳозир кийимимни алмаштириб чиқиб, ёнингизда ўтираман.

– Қанча кутгандим, атиги уч кунга келибди, – ўғлининг ортидан соғини ила қараб эрига дардини тўкди Ҳожира опа. – Қайси боланг кўзингдан йироқ бўлса, хаёлинг ўшанда бўларкан. Болалариниям соғингандим, олиб келмабди-да.

– Атрофинг тўла ўғил-қизу, нолишингни қара. Айтди-ку, икки ҳафтадан кейин невараларинг мактабдан таътилга чиқади, ёзни шу ерда ўтказди...

Собиржоннинг келганини эшитиб, ака-ука, опа-сингиллар жам бўлишди. Жигарлар давраси ўзгача бўлади. Дилёзар суҳбатлар, келажак режалар, болалик хотиралари, шодон кулгилар...

Иш бошлаганидан буён Алимжон ака билан бирга овқатланадиган Муталбек тушда ҳам, кечга томон ҳам ёлғиз ўзи таомланди. Тўғрироғи, ўзи шуни истади, катта дарага қўшилишдан тортинди. У оила фарзандларини четдан кузатаркан, ака-укаларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, ҳурмати, муомаласи унга яна бир орзулар калитини тутқазганди: «Кўп жойда мардикор ишчини оила дастурхонига яқинлаштириш тугул тузукроқ муомала қилишмайди. Буларнинг барчаси менга яқин одамларидек муносабатда бўляпти. Зиёли оиланинг давраси, суҳбатлари бошқача бўларкан. Укам, сингилларим билан қани энди шун-

дай бўлсак. Бунинг учун мен ҳаракат қилишим керак...»

– Тайёрмисан, ўғлим? – кечга томон ўғил-қизлари тарқганидан кейин Муталбекни чақирди Алимжон ака. – Уйингга ташлаб кўяман.

– Йўғе-е, ўзим кетавераман, – тортинди йигит. – Кўчада ҳали машина сероб.

– Ҳар куни эртароқ кетаётгандинг, бугун анча кеч. Гапни кўпайтирмай, машинага ўтир.

– Дада, тушунмадим, уста йигит қатнаб ишлайдими? – ўртадаги суҳбатга қўшилди Собиржон. – Уйлар кўп, қолаверса бўлади-ку.

– Муталбек билан шунга келишиб олганмиз, онаси билан укаларини ёлғиз қолдирмайди. Тонг саҳар етиб келади.

– Ундай бўлса, мен ташлаб кўяман, бир оғиз айтсангиз бўлади-ку, дада. Кекса одам қоронғида йўлга чиқаётганингизни қаранг.

– Сен йўлдан келгансан, чарчагансан. Мен сен ўйлаганчалик қариб қолганим йўқ, – кулди Алимжон ака.

– Қўйсангиз-чи, дада, қаерда туради ўзи бу йигит?

– Уч-тўрт қишлоқ нарида, – машинани ўғлига топширар экан тушунтирди отахон, – Деҳқонободда.

– Қани, ўтир, укам, дадам сени барибир йўлга чиқармайди.

Муталбек Собиржоннинг олиб боришини кутиб тургандек эътирозсиз машинага ўтирди. Бир умрлик орзуси бўлган ҳарбий соҳа вакили билан гаплашиш қандай яхши. Лекин қандай гап бошлаш керак, шунда...

– Оиланинг ёлғиз боқувчисиман, дегин? – Собиржоннинг ўзи йигитнинг шароити билан қизиқа бошлади. – Қўлингизда хунаринг бор экан, бу яхши. Нега ўзинг каби тажрибали усталарга қўшилиб, катта таъмирлаш ишларида қатнашмайсан, мардикор бозорига чиқасан? Катта ишнинг пули ҳам кўп бўлади.

– Бирга ишлаган шерикларим бор эди. Улар катта шаҳардан буюртма тушиб, ўша ерга кетишди. Вояга етаётган икки синглим, укам бор. Уларни, онамни ёлғиз ташлаб кетолмадим. Шу ерда ҳам оилани эплаб турибман.

– Оила масъулиятини тушунганинг яхши, ҳамма ҳам сендай ўйламайди.

– Сиз каби ҳарбий бўлмоқчи эдим, ака. Мактабда яхши ўқиганман, тарихдан олимпиадаларга қатнашганман. Шароит сабаб...

– Қойил, унда тарихдан савол-жавоб қиларканмиз-да, менам тарихга қизиқаман.

– Қайси фандан бўлса ҳам саволларингизга жавоб беришга ҳаракат қиламан.

– Ундай бўлса, юртимизда, дунёда кечаётган янгиликлардан гаплашамиз...

Собиржон Муталбекни уйига ташлаб қайтар экан, оддий мардикор

йигитдаги қатъият ва дунёқарашдан ҳайратда эди. «Дадам бўладиган бола экан, умри увол кетмаса яхши эди, деб бежиз қайта-қайта айтмаган экан, – дилидан ўтказди Собиржон. – Бундай йигитларга ёрдам бериш керак».

Собиржон хизматига қайтиш олдидан Муталбекни ёнига чақирди.

– Сен чиндан ҳам ҳарбий соҳада ишлашни истайсанми?

– Албатта! – кўзлари ёниб кетди йигитнинг. – Фақат оиламизни...

– Сен бу ҳақда ўйлама, оёққа туриб олгунингча оилангга ёрдам бериб тураман.

– Нима қилишим керак, ака?

– Сенга туман мудофаа ишлари бўлимида хизмат қиладиган офицернинг телефон рақамини бераман. Сен ҳақингда у билан гаплашдим. Бу сенга берадиган биринчи ва охириги ёрдамим бўлади. Чунки талабга жавоб берсангинга ниятингга етишинг мумкин.

– Тушундим, ака, ишончингизни оқлайман, албатта, оқлайман, – қувонч ва ҳаяжонда эди Муталбек...



Ошхонада куймаланаётган Неъматхон опа елкаларидан қучган меҳрли қўл эгасини дарҳол таниди.

– Муталбек, келдингми, болам? – ҳарбий либосдаги ўғлини бағрига босди оназор. – Хизмат сафаринг яхши ўтдими? Бир ҳафта бир йилдек туюлди-я, соғиндим.

– Мана, келдим, онажон, мукофотлар билан келдим, мени тақдирлашди. Бу мукофот аслида сизники, волидам.

– Ўзига шукур, мукофотларинг қутлуғ бўлсин, ўғлим. Вақтнинг ўтганини қара, шунча мансаб-мартабаларга эга бўлдинг, – қувонч ёшларини тия олмасди Неъматхон опа.

– Ҳали ҳаммаси олдинда, аяжон. Нега ҳеч ким кўринмайди, ўзингиз ёлғизсиз?

– Дилдорахон мактабдан энди қайтади, болаларинг боғчада. Укам биринчи маошини олганди, Алимжон ака билан Ҳожира опадан хабар олгани кетди. Келин иккимиз юмшоққина манти ҳам қилиб бердик. Уларнинг яхшилигини унутиб бўлмайди.

– Албатта! Эртага қўй сўямиз, мен ҳам ўтиб келаман.

– Бирга борамиз, ўғлим.

– Сиз нима десангиз, шу, онажон! Сингилларим билан гаплашиб турибсизми?

– Ҳа, эркатой сингилларинг яхши, контракт пулини тўлаганингдан иккиси ҳам хурсанд. Ҳаммаси учун раҳмат, ўғлим, – Муталбекнинг юзига меҳр билан термилди Неъматхон опа.

– Ҳаммаси учун яхши инсонларга раҳмат, онажон...

**Зулфия ЮНУСОВА,  
«Vatanparvar»**



## # Dzyudo

Poytaxtimizdagi "Humo" sport majmuasida dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionati bahslari yakunlandi. Terma jamoamiz a'zolari dunyo birinchiliklari tarixida ilk bor musobaqaning 2 ta oltin medaliga sazovor bo'lishdi. Ulardan biriga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakili erishdi va IJF (Xalqaro dzyudo federatsiyasi) reytingidagi peshqadamligini yanada mustahkamladi.

# BOBONOV



## REYTINGDA YAKKA PESHQADAM

Toshkent shahri tatamilarida ilk marta kechgan dunyo birinchiligida 82 davlat vakillari qatnashdi va 25 mamlakat sportchilari sovrindor bo'ldi. 31 ta terma jamoa dzyudochilari «Parij – 2024» yozgi Olimpiya o'yinlarining reyting ochkolariga musharraf bo'ldi. 51 ta terma jamoa uchun esa mazkur jahon chempionati qaysidir ma'noda malaka oshirish vazifasini o'tadi.

Shuni alohida ta'kidlash joiz, poytaxtimiz ilk bor mezbonlik qilgan dzyudo bo'yicha jahon chempionati polvonlarimizning tarixiy natijalari bilan poyoniga yetdi. Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Davlat Bobonovdan (-90 kg) so'ng hamyurtimiz Muzaffarbek To'raboyev (-100 kg) katta sahnaga chiqdi. U ham Toshkent tatamilarida MVSM vakili kabi katta mahorat namoyish etib, o'z vazn toifasi bo'yicha bellashuvlarda barcha raqiblarini mag'lubiyatga uchratdi. Polvonimiz finalda kanadalik Kayl Reyesdan ustun kelib, oltin medalga sazovor bo'ldi. Shu tariqa, o'zbek dzyudochilari dunyo birinchiliklari

tarixida birinchi marta qo'sh oltin medalga egalik qilishdi.

Toshkentda o'tgan dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionatidan so'ng Xalqaro dzyudo federatsiyasi sportchilarning yangilangan reytingini e'lon qildi. Shu kungacha IJF reytingida o'z vazn toifasida peshqadamlik qilib kelayotgan Davlat Bobonov Toshkentda erishgan chempionligi bois yaqin raqobatchilari bilan oradagi farqni yanada mustahkamladi – MVSM vakili 6134 ochko bilan -90 kg vazn toifalilar reytingida yakka peshqadam bo'lib turibdi, 2-o'rinni egallab turgan ozarbayjonlik Mammadali Mehdiyev hisobida 4311 ochko bor. -100 kg vazn toifasida jahon chempioni bo'lgan Muzaffarbek To'raboyev esa avvalgi reytingdagi o'rindan 18 pog'ona yuqorilab, 9-o'rindan joy oldi.

Musobaqaning so'nggi kuni eng og'ir vaznda bellashuvlarga qo'shilgan sportchimiz Alisher Yusupov yarim finalda bahsini to'xtatdi va 7-o'rin bilan kifoyalanib, «Parij – 2024» yo'lidagi muhim reyting ochkolariga ega chiqdi. Shuningdek, Dilshodbek Baratov 5-o'rindan, Gulnoza Matniyozova (MVSM) va Alisher Yusupov 7-o'rinlardan joy olishi

ham O'zbekiston dzyudosi uchun «Parij – 2024» yo'lida ahamiyatli natija bo'ldi. Bu yutuqlar, o'z navbatida, mamlakatimiz terma jamoasining 82 ta davlat orasida 3-o'rinni egallashini ta'minladi. Ha, O'zbekiston terma jamoasi jahon chempionatining yakka bellashuvlarini birinchi bor umumjamoa hisobida kuchli uchlikda yakunladi!

### MEDALLAR JAMG'ARISH BO'YICHA KUCHLI BESHLIK:

	Oltin	Kumush	Bronza
1. Yaponiya	5	4	3
2. Braziliya	2	1	1
3. O'zbekiston	2	0	0
4. Mo'g'uliston	1	1	1
5. Xorvatiya	1	1	0

Musobaqa dasturiga binoan jahon chempionati bellashuvlari aralash jamoaviy bellashuvlar bilan yakunlandi. Dastlab 17 ta jamoa to'rtta guruhga bo'lingan holda saralash bosqichida o'zaro kurash olib borishdi. "B" guruhidan o'rin olgan O'zbekiston terma jamoasi dastlabki bahsni Avstraliyaga qarshi o'tkazdi. Murosasiz

va shiddatli bellashuvlarga boy kechgan uchrashuvda 4 nafar dzyudochimiz g'alaba qozondi, 3 nafari imkoniyatni boy berdi va 4:3 hisobida terma jamoamiz keyingi bosqichga yo'l oldi. Isroilga qarshi o'tgan bahsda esa vakillarimizga omad kulib boqmasdi – 2:4 hisobida imkoniyatni boy berishdi. Jamoalar o'rtasidagi bahs dzyudo yurti vakillari – Yaponiya terma jamoasining g'olibligi bilan yakunlandi. Fransiya kumush, Germaniya va Isroil terma jamoalari bronza medaliga egalik qilishdi.

Toshkentda o'tkazilgan dzyudo bo'yicha 35-jahon chempionatining yopilish marosimida IJF bayrog'i ramziy ma'noda tushirildi. Uni O'zbekiston MOQ raisi o'rinbosari, mamlakat Dzyudo federatsiyasi raisi Azizjon Kamilov Xalqaro dzyudo federatsiyasi Bosh kotibi Jan-Lyuk Rujega, o'z navbatida, IJF Bosh kotibi kelgusi jahon chempionatini qabul qiladigan mamlakat rasmiy vakiliga, ya'ni Qatar dzyudo federatsiyasi Bosh kotibi Eyd Al Murayxiga topshirdi. Dzyudo bo'yicha 36-jahon chempionati 2023-yilning 7-14-may kunlari Qatarning Doha shahrida tashkil etiladi.

## # Og'ir atletika

O'zbekiston terma jamoasi a'zolari Bahraynda o'tkazilgan og'ir atletika bo'yicha Osiyo chempionatida jami 19 ta medal jamg'arib, umumjamoa hisobida 1-o'rinni egalladi. Ushbu muvaffaqiyatga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari ham o'zlarining munosib ulushini qo'shishdi. Xususan, MVSM vakili Adhamjon Ergashev qit'a birinchiligida mutlaq chempionlikka erishdi.

Bu galgi qit'a chempionati tom ma'noda yurtimiz atletlarining qahramonligi ostida kechdi. Chunki musobaqaning deyarli har kuni bir yoki ikki nafar vakilimiz sovrindor bo'ldi va ularning muvaffaqiyati sharafiga Bahraynning Manama shahridagi sport maskanida yurtimiz bayrog'i ko'tarilib, O'zbekiston sport sharafiga ulug'landi.

Terma jamoamiz hisobiga dastlabki medalni -49 kg vazn toifasida ayollar o'rtasidagi bahslarda qatnashgan hamyurtimiz Jamila Panfilova keltirdi. U dast ko'tarishda 79 kg natija ko'rsatib, bronza medaliga ega chiqdi. Ayollar o'rtasida -55 kg vazn toifasida bahs olib borgan Nigora Abdullayeva esa

# ARMIYA

## VAKILI MUTLAQ CHEMPION!

dast ko'tarish mashqida 87 kg natija bilan bronza medalini qo'lga kiritgan bo'lsa, siltab ko'tarishda 106 kg bilan to'rtinchi o'rinni egalladi. Ikkikurashdagi 193 kg natija hamyurtimizning yakunda yana bir bor shohsupaning uchinchi pog'onasiga ko'tarilib, 2-bronza medali bilan taqdirlanishiga olib keldi. Shu tariqa, vakillarimiz qit'a birinchiligidagi shijoatini tobora oshirib borishdi.

Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakili Adhamjon Ergashevning muvaffaqiyatlari g'oyat salmoqli bo'ldi. U ko'rsatgan natijalari bilan Manama shahri mezbonlik qilgan Osiyo chempionatining asosiy qahramonlaridan biri bo'ldi, deyishimiz mumkin. Chunki MVSM vakili o'z (-67 kg) vazn toifasi bo'yicha bahslar yakunida 3 ta oltin medalni qo'lga kiritdi – dast ko'tarish, siltab ko'tarish va ikkikurash natijasiga ko'ra ham g'oliblikni tantana qildi. 1999-yili tug'ilgan, endi 23 yoshni qarshilagan iste'dodli sportchimiz dast ko'tarishda 138 kg, siltab ko'tarishda

176 kg, ikkikurash natijasiga ko'ra 314 kg natija qayd etib, mutlaq chempionlikka erishdi. Hamyurtimiz bilan raqobatlashgan sportchilar uning natijasidan katta farq bilan ortta qolishdi. Qit'a sport muxlisari e'tiborini tortgan Bahraynda Adhamjon Ergashev muvaffaqiyati sharafiga O'zbekiston bayrog'i ko'tarilib, yurtimiz madhiyasi yangradi.

29 ta mamlakat og'ir atletikachilari ishtirok etgan qit'a chempionatining erkaklar o'rtasidagi bahslarida hamyurtimiz Doston Yoqubov ham chempionlikka erishdi. 73 kg vazn toifasida bahs olib borgan atletimiz dast ko'tarish mashqida 140 kg ko'rsatkich bilan bronza medaliga sazovor bo'ldi. Shundan so'ng u siltab ko'tarishda 182 kg va ikkikurash bo'yicha 322 kg natija bilan musobaqaning 2 ta oltin medalini qo'lga kiritdi.

Erkaklar o'rtasidagi -81 kg vazn toifasi bo'yicha bahslar ham biz uchun muvaffaqiyatli yakunlandi. Quvonarlisi, unda ishtirok etgan har ikki vakilimiz yakunda shohsupaga ko'tarildi. Dast ko'tarish mashqida 154 kg

natija bilan kumush medalni rasmiylashtirgan Muhammadqodir Toshtemirov siltab ko'tarish dasturida ham 192 kg natija bilan 2-o'rinni egalladi. Qizig'i, ikkikurash bo'yicha 346 kilogrammik natija Muhammadqodirga qit'a birinchiligining bronza medalini tortiq etdi. Shuningdek, ushbu vazn toifasida hamyurtimiz Og'abek To'xtayev ham sovrindor bo'ldi. U siltab ko'tarish mashqida 189 kg tosh ko'tarib, bronza medalini qo'lga kiritdi. -102 kg vazn toifasida yurtimiz sport sharafiga himoya qilgan Sharofiddin Amriddinov bitta oltin va 2 ta bronza, 87 kg vazn toifasidagi bellashuvlarda qatnashgan hamyurtimiz Tursunoy Jabborovning dast ko'tarishda kumush, ikkikurashda bronza medaliga musharraf bo'lishi g'alabalarimiz bardavomligini ta'minladi.

O'zbekiston terma jamoasi Osiyo chempionatining 6 ta oltin, 3 ta kumush, 10 ta bronza medalini qo'lga kiritib, bu borada doimiy peshqadamlik qilib kelgan Xitoy hamda Eron terma jamoalarini ilk bor ortda qoldirishga muvaffaq bo'ldi – umumjamoa hisobida 1-o'rinni egalladi. 4 ta oltin, 5 ta kumush, 7 ta bronza medalni qo'lga kiritgan Eron vakillariga 2-o'rin nasib etdi. 4 ta oltin, 3 ta kumush medal sohibi bo'lgan Xitoy terma jamoasi kuchli uchlikni yakunlagan bo'lsa, Qozog'iston, Bahrayn terma jamoalari keyingi pog'onalardan joy olishdi.

Pahlavonlarimizni oldinda yana bir jiddiy musobaqa kutmoqda. Qisqa fursat hordiqdan so'ng ular joriy yilning 5-16-dekabr kunlari Kolumbiyaning Bogota shahrida o'tadigan jahon chempionatiga tayyorgarlikni boshlab yuborishadi.



# Musobaqa

# «ҚЎМОНДОН КУБОГИ» ПОЙТАХТ ЖАМОАСИГА НАСИБ ЭТДИ

Мамлакатимизда мавжуд халқаро аэропортларнинг хавфсизлигини таъминлаш ИИВ халқаро аэропортлар хавфсизлигини таъминлаш қўмондонлиги сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар зиммасига юклатилган вазифа. Қўмондонлик шарафли бурчларини адо этаётган ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини ошириб бориш мақсадида турли мусобақалар ташкиллаштириб туради.

Соҳа мутахассислари ўртасида ўтказилиб келинаётган, бу борада анъанага айланиб улгурган «Қўмондон кубоги» кўпкураш баҳслари шулар жумласидандир. Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган жамоалар «Чирчиқ» дала-ўқув полигонидида мусобақанинг совринли ўринлари учун кураш олиб борди. Мусобақа низомига кўра, жамоалар турникда тортилиш, 400 метрга ҳарбий эстафета ва 3 000 метрга жамоавий югуриш, ярадорларни қутқариш, жанговар қуроллардан отиш каби йўналишларда ўзаро беллашдилар.

Бир неча кун давом этган мурасасиз ва қизиқарли баҳслар якунига кўра, 1-ўринни Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий қисм взводи жамоаси эгаллади. Фарғона ва Қарши шаҳри ҳарбий қисм жамоалари эса кучли учликка якун ясади. Ғолиб жамоа пул мукофоти, қимматбаҳо совға ҳамда қўмондонликнинг I даражали дипломи ва кубоги билан тақдирланди.



«Моҳир мерган» ҳамда турникда тортилиш йўналишларида юқори натижаларни қайд этган кичик сержантлар Неъматжон Олимов ва Бобур Ниёзқулов шахсий номинация ғолиблари деб топилди. Мусобақада бошқаларга намуна бўлган бу икки ҳарбий хизматчига махсус соврин ва пул мукофоти топширилди.

Мусобақа якунида ИИВ Маданият саройи ходимлари ҳамда Қоровул қўшинларининг оркестр жамоаси ва рақс ансамблининг концерт дастури намойиш этилди. Кўпкураш баҳслари иштирокчиларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан 1 000 дона китоб совға қилинди.

Камолиддин АСРОР



# «Men g`olib!»

# ЭНГ ИЛҒОР ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшинларида «Мен ғолиб!» шиори остида анъанавий ўтказилаётган «Энг илғор мутахассис» кўрик-танлови юзлаб ҳарбий хизматчи ва Қуролли Кучлар хизматчилари тоифасидан барча соҳалар бўйича энг илғорларни аниқлаш ва уларни рағбатлантиришга хизмат қилиб келмоқда.



Нукус гарни-зони Маънави-ят ва маърифат марказида ўтказилган ушбу кўрик-танловнинг «Энг илғор ҳамшира» номинацияси бўйича Шимоли-ғарбий ҳарбий

округ миқёсидаги босқичи тўрт нафар ўз касбининг фидойи ва жонкуяр тиббиёт соҳа мутахассисини жамлади.

Унда иштирокчилар бешта шарт бўйича ҳарбий тиббиёт соҳасининг «оқ халатли маликаси» деган шарафли номга сазовор бўлиш учун ўзаро билим ва тажрибада куч синашди.

«Саломлашиш» деб номланган биринчи шартда иштирокчилар ўзлари туғилиб ўсган гўшаси, оиласи ҳамда ҳарбий тиббий муассасадаги фаолиятини видеороликлар ҳамда жонли сўзлар орқали ифода этишди.

Қисқа вақт оралиғида мутахассислик бўйича 20 та тест саволларига жавоб бериш керак бўлган иккинчи шартда иштирокчиларнинг назарий билимлари синовдан ўтди.

Тиббиёт соҳасида назарий билимларнинг амалий кўникмалар билан уйғунлигини намоён этувчи учинчи шартда моҳир ҳамширалар шартли беморга муолажа кўрсатиш орқали олинган вазифаларни бажаришди. Таъкидлаш жоизки, мазкур шарт иштирокчилар учун энг мураккаб синов деб баҳоланади.

Шартли ярадор ва жароҳатланган инсонга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатишда ҳам иштирокчиларнинг аниқ, дадил ҳаракатлари юқори баҳоланди.

«Уйга вазифа» деб аталган якуний шартда танловнинг дастлабки, саралаш босқичларида илғорликни қўлга киритган ҳамширалар ижодий, бадиий чиқишлари орқали санъатга, адабиётга, маърифатга, миллий урф-одат ва анъаналарга меҳр қўйганликларини исботлади.

Якуний натижаларга кўра, «Энг илғор ҳамшира» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритган мутахассис кейинги босқичга, финалга йўлланма-ни қўлга киритди.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шимоли-ғарбий ҳарбий округ  
матбуот хизмати

# Ekskursiya

# ҲАРБИЙ АВИАЦИЯ ЁШЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий авиация билим юртида Косон туманидаги ўқувчилар ва ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун «Миллий армиямиз ёшлар нигоҳида. Ватан муқаддас, уни ҳимоя қилиш шарафли бурчдир!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.



Унда ўқувчи-ёшлар курсантларнинг ўқиши ва таҳсил олишлари учун яратилган шарт-шароитлар билан танишиш асносида, ҳарбий самолёт ва вертолётлар тўғрисида ҳам қизиқарли маълумотлар олишди.

Шунингдек, билим юрти музейи билан танишиш давомида ўқувчилар, аввало, авиация тарихи, шу билан бирга буюк саркардалар кўрсатган жасоратлари тўғрисида ҳам кўникмага эга бўлишди.

Тадбир сўнгида иштирокчиларнинг аксарияти шу билим юртида ўқиш истаги борлигини яширмади. Бундан англаш мумкинки, миллий армиямизнинг куч ва имкониятлари, Марказий Осиёда ягона бўлган олий ҳарбий таълим муассасаси фаолияти билан ёшларни таништириш ва уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги ҳаракатларимиз бежиз кетмаяпти.

Майор Бобурмирзо СОЛИЕВ



## # Xorij armiyalarida

Саудия Арабистони миллий армиясининг асосий турларидан бири ҳисобланувчи Ҳарбий денгиз кучлари (ХДК) мамлакатга қарашли ҳудудий сувлар, денгиз шельфи ва соҳиллар, портлар ва нефть инфратузилмаси объектларини кўриқлаш, қуруқликдаги қўшинларнинг денгизга яқин йўналишлардаги ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Бундан ташқари, улар мамлакат раҳбарияти қарорига кўра ёки халқаро иттифоқчилик мажбуриятларига мувофиқ бошқа ҳудудлардаги тинчликпарварлик операцияларида иштирок этишлари ҳам мумкин.

Саудия Арабистони ХДК ўтган асрнинг 60-йилларида ташкил этилган бўлиб, ўша даврларда кам сонли шахсий таркиб (200 кишига яқин), Германиядан харид қилинган учта торпеда катери ва Буюк Британия армияси Шарқий Сувайш ҳудудидан чиқиб кетганидан сўнг қолдириб кетган бир нечта патруль ва десант катерларига эга бўлган.

Ҳозирги даврга келиб бу турдаги қўшинлар таркибига Сув усти кучлари, денгиз авиацияси ва денгиз пиёдалари бўлинмалари киритилган бўлиб, улар Ҳарбий ва Шарқий флотга бириктирилган. ХДК шахсий таркибининг умумий сони 15,6 минг кишини, шу жумладан 1,5 минг нафар денгиз пиёдаларини ташкил этади.

ХДК ихтиёрида жами 9 та дивизион, шу жумладан, бошқарилувчи ракета қуроллари билан жиҳозланган фрегатлар дивизиони (1 та), корветлар (1), ракета катерлари (1), десант катерлари (2) ва соқчи катерлар дивизиони (4), 2 та мина-тралчи кемалар гуруҳи, 2 та денгиз пиёдалари бригадаси ҳамда 2 та авиақанот бор. Денгиз авиациясига қарашли қурол ва жанговар техника паркидан МН-60R, AS-365F «Дофин» ва AS-332B/F/M «Супер Пума» типидagi кўп мақсадли ва кемаларга қарши курашиш учун мўлжалланган жами 40 та вертолёт жой олган. Денгиз пиёдалари бригадалари BMR-600P типидagi 135 та зирҳли транспортёр билан таъминланган.

ХДКга қарашли кемаларнинг асосий қисми жанговар сафга киритилганига 25 йилдан ошган, шу билан биргаликда, уларнинг

# САУДИЯ АРАБИСТОНИ

## ҲАРБИЙ ДЕНГИЗ КУЧЛАРИ



500 кишига мўлжалланган қирол Фаҳд номидаги коллеж базасида амалга оширилади. Бу ерда ўқиш муддати 27 ойни ташкил этади. Коллежда маҳаллий мутахассислардан ташқари, буюк британиялик йўриқчилар ҳам фаолият олиб боради.

Саудия Арабистонининг денгиз қароқчиларига қарши курашиш ва кемалар қатнови хавфсизлигини таъминлаш бўйича АҚШ таркибидаги тузилган коалиция таркибидаги иштироки доирасида ХДКнинг Ҳарбий ва Шарқий флоти мунтазам равишда Саудия кемаларини (асосан нефть ташувчи танкерларни) Қизил ва Арабистон денгизлари, Адан ва Форс кўрфази, шунингдек, Бабал-Мандиб бўғозидан ўтказишни ишларини амалга ошириб боради.

Оператив ва жанговар тайёргарлик режаларига мувофиқ, ҳар икки флотга қарашли куч ва воситалар хориж давлатлари, шу жумладан АҚШ, буюк Британия ва Миср ҳарбий денгиз кучлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ҳарбий-денгиз машқларида иштирок этиб келмоқда.

Саудия Арабистонининг Яқин Шарқдаги стратегик ҳолати ва Форс кўрфази (840 км) ҳамда Қизил денгизда (1800 км) катта масофадаги денгиз чегараларига эгаллиги сабабли мамлакат раҳбарияти миллий ХДКни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш масалаларига жиддий ва доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бунда АҚШ, Франция ва

бошқа Европа давлатлари билан стратегик ҳамкорлик асосий ўринлардан бирини эгал



лайди. Хусусан, 2015 йилда АҚШ билан SNEP II дастури доирасида «О. Бёрк» (модель 2А) типидagi 4 та эсминец, яқин денгиз зонасида ҳаракатланадиган 12 та кема, «Льюис энд Кларк» типидagi 4 та ўқ-дори ташувчи транспорт воситаси, кемаларга қарши курашиш учун мўлжалланган МН-60R/S «Страйк Хок» типидagi 36 та вертолёт, MQ-8B «Файрскаут» типидagi 12 та учувчисиз учиш аппарати, шунингдек, МН-60R типидagi палуба вертолётларини етказиб бериш бўйича қиймати 30 млрд долларга тенг бўлган шартнома имзоланган. Шунингдек, «Локхид-Мартин» корпорацияси билан MMSC (Multi-Mission Surface Combatant) классидagi 4 та кўп мақсадли кемани лойиҳалаштириш ва етказиб бериш бўйича шартнома тузилган бўлиб, уларни қуриш ва тегишли сервис хизматларини кўрсатишнинг умумий қиймати 6 млрд долларни ташкил этади. Бундан ташқари, Франция, Германия, Норвегия, Испания сингари давлатлар билан турли типдаги фрегатлар, корветлар, ракета катерлари, патруль кемалари, ракета қуроллари ва вертолётлар харид қилиш бўйича келишувларга эришилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Саудия Арабистони Ҳарбий денгиз кучлари Яқин Шарқ минтақасидаги юқори жанговар қобилият ва яхши тайёргарликка эга бўлган ҳарбий флот ҳисобланади. Бунга биринчи навбатда, АҚШ ҳамда Европанинг бир қатор мамлакатлари томонидан етказиб берилаётган замонавий кемалар, ривожланган жойлаштириш тизимининг мавжудлиги, шунингдек, маҳаллий ва хорижий ҳарбий ўқув юртларида таълим олаётган ҳамда ўз билим ва кўникмаларини турли амалий машқлар ва машғулотларда такомиллаштириб бораётган шахсий таркибнинг юқори даражадаги тайёргарликка эгаллиги сабаб бўлмоқда. Саудия кемасозлик саноатида ҳарбий секторнинг мавжуд эмаслиги ХДКнинг заиф томони бўлиб, бу етказиб берувчи мамлакатлар томонидан тегишли қуроллар ва жанговар техникаларни таъмирлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатишда турли муаммоларни келтириб чиқармоқда.



## # Harbiy hikmatlar

ВАТАНГА МУҲАББАТ МАДАНИЯТЛИ  
ИНСОННИНГ БИРИНЧИ ФАЗИЛАТИДИР

Ҳамиша сен буйруқ берадиган одамларнинг сенга айтарларини ҳам эшита бил.

\* \* \*

Одамларга қандай ишлашни ўргатма, нима қилишни ўргат. Уларнинг ўзи зукколик билан сени ҳайратга солади.

\* \* \*

Агар жангда ғалаба қозонишни истасанг, онг танани бошқаришига мажбур қил. Онг чарчамас экан, тана ҳам ҳеч қачон чарчмайди. Шу сабаб ҳеч қачон тана онгни бошқаришига йўл қўйма.

\* \* \*

Бир томчи тўкилган тер бир уммон қон тўкилишининг олдини олиши мумкин.

\* \* \*

Интизомли, ўзини ҳурмат қиладиган, ўз бўлинмаси ва Ватани билан ғурурланадиган, сафдошлари ва командири олдидаги бурч ва мажбурият туйғусини ҳис этган, ўзига ишонган оддий аскар бўлиш ҳам юксак шарафдир.

\* \* \*

Мардлар ўлса, мотам тутиш керак эмас. Аксинча, шундай одамлар яшаб ўтганига тасанно айтиш керак.

**Генерал Жорж ПАТТОН**

Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.

\* \* \*

Курашиб эришилмаган ғалаба ғалаба эмас.

\* \* \*

Юз кунлик тоат-ибодатдан бир кунлик адолат яхши!

**Амир ТЕМУР**

Баъзан оддий аскарлар уларга берилган зўр топшириқдан кўра ақллироқ қарорлар қила олади.

**Орсон Скотт КАРД**

Мен маош таклиф қилмайман, мукофот ҳам, тансиқ таомлар ҳам. Мен фақат очлик, ташналик, сўнги нафасгача кураш ва жанг таклиф қиламан. Ватанни лаблари билан эмас, юраги билан севганлар менга эргашсин.

**Жозеф ГАРИБАЛЬДИ**

Уч тоифа одамлар бор: ҳаракат қиладиганлар, ҳаракат қилмайдиганлар ва уларни бошқарадиганлар.

**Ли ХАНГ**

Баъзан қуролни қўйишинг учун уни олишинг керак.

**Малкольм ИКС**

Ватанга муҳаббат маданиятли инсоннинг биринчи фазилатидир.

**Наполеон БОНАПАРТ II**

Генерал бўлиш оддий аскарликдан бошланади.

**Вогуслав ВОЙНАР**

Ўзинг ҳақингда ўйлама, шерикларинг ҳақида ўйла. Шерикларинг ҳам сен ҳақингда ўйлайди. Мана шу илк ҳарбий вазифа.

**Михаил ДРАГОМИРОВ**

Ҳақиқий офицер олдидагилардан нафратлангани учун эмас, балки ортидагиларни севгани учун жанг қилади.

**Гилберт Кит ЧЕСТЕРТОН**

Аскарлар юраги ва руҳияти ҳам-ма нарсадан муҳим.

**Жорж МАРШАЛЛ**

Душманни писанд қилмасликдан ҳам ёмонроқ мағлубият йўқ.

**Лао ТЗИ**

Тартиб – армиянинг юраги. У аста-секин кучни шакллантиради, кучсизликни енгишни ва ҳаммани ҳурмат қилишни ўргатади.

**Жорж ВАШИНГТОН**

Ҳеч қачон таслим бўлманг, ҳеч бир йўлда. Катта ёки кичик бўлсин, ҳеч нарсдан воз кечманг. Ҳирс ва ҳис-туйғуларингиздан бошқа.

**Уинстон ЧЕРЧИЛЛЬ**

Агар сизнинг ҳаракатларингиз бошқаларни кўпроқ орзу қилишга, кўпроқ ўрганишга, кўпроқ ҳаракат қилишга ва кўпроқ интилишга ундай олса, демак, сиз лидерсиз.

**Жон Куинси АДАМС**

Муваффақиятнинг ҳеч қандай сири йўқ. Бу мақсадга пухта тайёргарлик, машаққатли меҳнат, хатолардан сабоқ олиш натижасидир.

**Павел КОЛИН**

Дунё хавфли. Ёмонлик қилувчилар борлиги учун эмас, балки ёмонликни кўра била туриб, ҳеч нарса қилмайдиганлар борлиги учун.

**Альберт ЭЙНШТЕЙН**

Уруш аскарнинг кучи ва руҳиятига оғир зарбалар беради. Шунинг учун аскарларингизни тинч даврларда машғулотлар билан ундан ҳам қаттиқ зарбаларга тайёрланг.

**Маршалл Эрвин РОММЕЛЬ**

Қаҳрамонлар ҳаётда узоқ яшамаслиги мумкин, аммо одамларнинг ҳикояларида абадий яшайдилар.

**Амит КАЛАНТРИ**

Армиянинг қудрати унинг қуроллари, Ватаннинг қудрати эса уни севувчилардир.

**Азадшоҳ ГАНЖАЛИ**

Душманлар қаршида туришда қанча катта жасорат керак бўлса, дўстларимиз олдида туриш ҳам шунчани талаб этади.

**Жоан РОУЛИНГ**

Жасорат барча фазилатлардан энг муҳими, чунки жасоратсиз бошқа ҳеч бир фазилатни намоён қилолмайсиз.

**Майя АНГЕЛОУ**

Мен яхши мулоҳаза юритиш ҳаётини тажриба ўсгани сари шаклланишига, тажриба эса хатолардан шаклланишига амин бўлдим.

**Омар БРЭДЛИ**

Туғма лидерлик бўлмайди, у шаклланади. Лидерлар уни ҳаёт синовларидан, хатолардан, тажрибадан ўрганади ва ўзлаштиради.

**Колин ПАУЭЛЛ**

Қаҳрамонлик ҳар доим ҳам улкан иш бўлавермайди. Баъзан кичик ғалабалар ва катта юраклар ҳам тарихни ўзгартира олади.

**Мэри РОУЧ**

Ўзингиз курашмайдиган нарса учун одамларни ўлимга юборишда шараф йўқ.

**Марк ОУЭН**

Муваффақият жасоратни талаб қилади.

**ТЕРЕНС**

Ҳарбий хизматда сиз одамларнинг моҳиятини ўрганасиз. Фидойилик ва маънавий жасорат намуналарини кузатасиз. Ҳаётингизнинг қолган қисмида атрофингиздагиларда шундай намуналарни кўришга кўп ҳам имкониятга эга бўлмайсиз.

**Адам ДРАЙВЕР**

Ҳеч ким озодлик деб аталмиш неъматга эга эмас, агар уни асрашда ҳушёр бўлмаса.

**Генерал Дуглас МАКАРТУР**

Мардлар яшайдиган маскан – асл ҳурриятнинг маскани.

**Элмер ДЭВИС**

Агар озодлик бой берилса, виқорли елкану кенг далалардан нима фойда?

**Ральф Вальдо ЭМЕРСОН**

Ватанпарварлар қони озодлик дарахтининг уруғларидир.

**Томас СЕМБЕЛЬ**

Ҳеч нарса учун туриб бера олмайдиган одам ҳамма нарса учун йиқила олади.

**Александр ХАМИЛЬТОН**

Мен душманларимни менга дўст бўлганларида тор-мор этаман.

**Абраҳам ЛИНКОЛЬН**

Юзта беақл душман аскарини ўнта зийрак аскар енга олади.

**ЕВРИПИД**

Энг яхши йўл ҳамиша илдамликдир.

**Роберт ФРОСТ**

Ҳарбий операцияда энг муҳими ғалаба қозониш, сабр қилиш эмас.

**Сан ТЗУ**

Қанча кўп қийинчилик кўрсангиз ғалаба шунча шонли бўлади.

**Томас ПЕЙН**

Урушга тадорик кўрар эканман, баъзан бефойда режаларни кузатаман. Аммо бу умуман режа қилмасликдан кўра яхшироқ.

**Дуайт ЭЙЗЕНХАУЭР**

Вақтинчалик ҳаловат учун озодликдан кечадиган одамлар на озодликка, на ҳаловатга муносиб эмас.

**Бенжамин ФРАНКЛИН**

Ҳақиқий жасорат кўрқис ва олдинга интилиш ва уни енгишдир.

**Норман ШВАРЦКОПФ**

Режасиз жанг бошлаш душманга илк енгилишдир.

**Хельмут фон МОЛЬТКЕ****Юлдуз ЎРМОҶОВА**  
тайёрлади.



# Mudofaaga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotlarida

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkilotining Qashqadaryo viloyati kengashi tasarrufidagi Qamashi tumani o'quv sport-texnika klubida haydovchilikka tayyorlanadigan yoshlar nafaqat kasbga o'qitiladi, balki ular orasida muntazam ravishda harbiy-vatanparvarlik targ'ibotlari olib borilmoqda. Shu bois, bu yo'nalishdagi ishlar ko'lamini kengaytirish va sifatini yaxshilash maqsadida O'STK jamoasi bugungi kun talabidan kelib chiqqan holda turli davlat va jamoat tashkilotlari bilan hamkorlikda faoliyat ko'rsatmoqda. Ommaviy kasb xodimlarini tayyorlash, sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish, o'sib kelayotgan yosh avlod ma'naviyatini oshirish borasidagi yumushlar shular jumlasidandir.

# YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHGA E'TIBOR



– Bugungi kunda klub jamoasi tomonidan yoshlarni mohir haydovchi etib tayyorlash bilan birga, jamiyatimizning faol hamda vatanparvar fuqarosi bo'lib yetishishiga e'tibor qaratilmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Azamat Rahimov. – Bu borada tumanimizdagi hamkor tashkilotlar bilan birgalikda ma'naviyat va harbiy-vatanparvarlik targ'ibotlarini olib borish yaxshi yo'lga qo'yilgan. O'z navbatida, turli ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar hamda sport musobaqalari o'tkazilayotganligi yoshlarimizni yanada ruhlantirmoqda. Chunki yosh avlodning ma'naviy barkamol shaxs sifatida shakllanishiga ko'maklashish tashkilotimizning muhim vazifalaridan biridir. Yaqinda mana shunday ishlarimizning uzviy davomi sifatida tumandagi 26-umumta'lim

maktabida ma'naviy-ma'rifiy tadbir bo'lib o'tdi. Bundan ko'zlangan asosiy maqsad – yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, ularni sportning texnik va amaliy turlariga jalb qilish. Tadbirda Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Qamashi tumani bo'linmasi mutaxassislari, mudofaa ishlari, Yoshlar ishlari agentligi, xalq ta'limi bo'limlari, O'STK xodimlari hamda maktab o'qituvchilari va o'quvchilari ishtirok etdi. Tadbirda mamlakatimizda yoshlarni vatanparvarlik, milliy an'ana va qadriyatlarimizga hurmat ruhida tarbiyalash, ma'naviy yetuk va jismonan sog'lom, barkamol avlod bo'lib yetishishlari borasida olib borilayotgan ishlar hamda ularga yaratilayotgan imkoniyat va qulayliklar borasida ham so'z yuritildi. Shuningdek, ishtirokchilarga "Vatanparvar" tashkilotining faoliyati, uning yo'nalishlari, yurtimiz ijtimoiy

hayotida tutgan o'rni haqida ham ma'lumot berildi. Klub a'zolarining ko'rgazmali chiqishlari tashkil etildi.

Shu o'rinda ta'kidlab o'tish joizki, tuman O'STKda haydovchilar tayyorlash ishlari ham yaxshi tashkil etilgan. Haydar Mengliyev, Saydulla Berdiyev, Jamshid Mingto'rayev, Abdurashid Shaymardonov singari fidoyi xodimlarning samarali mehnatlari natijasida joriy yilning o'tgan oylari mobaynida 400 nafar "B", "BC", "C" toifali haydovchi tayyorlashga erishildi. Shuningdek, tumandagi "Yoshlar daftari"ga kiritilgan 75 nafar yosh imtiyoz asosida "BC" toifali haydovchilik kurslarida o'qitildi.

Yoshlarning bo'sh vaqtlarini mazmunli o'tkazish maqsadida O'STK tarkibida "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting" hamda "Duatlon" kabi sport seksiyalari ham tashkil qilingan.

**Qamashi tumani O'STK jamoasi tumanda istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "C" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga, shuningdek, sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting" va "Duatlon" kabi to'garaklarda shug'ullanishga taklif etadi.**

**Qamashi shahri, Sohil ko'chasi 2-uy, "Vatanparvar" tashkiloti o'quv binosi.**

**90 890-10-64; 97 950-14-67.**

Xizmatlar litsenziyalangan.

O'zbekiston Respublikasi mudofaasiga ko'maklashuvchi "Vatanparvar" tashkiloti Namangan viloyati kengashi tasarrufidagi Yangiqo'rg'on tumani o'quv sport-texnika klubi jamoasi tomonidan yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash borasida muayyan yumushlar amalga oshirilmoqda.

# UZVIY HAMKORLIK NATIJASI



Bugungi kunda ko'plab a'zolari o'zida birlashtirib, faoliyat olib borayotgan o'quv sport-texnika klubi xodimlari yoshlarga biror-bir kasb-hunar o'rgatish, ularning ma'naviy jihatdan barkamol shaxs bo'lib yetishishlari yo'lida astoydil mehnat qilishmoqda. Mushtarak maqsadlar mezonini sifatida O'STK jamoasi tumandagi bir qancha davlat va jamoat tashkilotlari bilan uzviy hamkorlikni yo'lga qo'yishgan.

– Mamlakatimiz hukumati tomonidan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish hamda ularni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalashga alohida e'tibor qaratilmoqda, – deydi O'STK boshlig'i Alijon Tojiboyev. – Bu boradagi hukumat

qarorlari ijrosini ta'minlash maqsadida turli mavzularda ma'naviy-ma'rifiy hamda sport tadbirlari tashkil etilmoqda. Ma'lumki, yoshlarni ma'naviy jihatdan boy, jismonan sog'lom, Vatan himoyasiga shay qilib tarbiyalashda sport alohida o'rin tutadi. Shu maqsadda sportning texnik va amaliy turlarini yoshlar va aholining turli qatlamlari o'rtasida rivojlantirish bo'yicha bir qator ishlar amalga oshirildi. Klubdagi "Havo miltig'idan o'q otish", "Motosport", "Karting" hamda "Yozgi biatlon" kabi seksiyalarda 60 nafardan ziyod yosh muntazam shug'ullanmoqda. Sportning texnik va amaliy turlarini rivojlantirish rejasiga asosan tuman miqyosida yoshlar ishtirokida bir necha bor sport musobaqalari tashkil etildi. Tuman xalq ta'limi bo'limi bilan

hamkorlikda o'tkazilgan musobaqalarda mingdan ortiq o'quvchi-yoshlar ishtirok etdi. Shuningdek, tashkilotga a'zo sportchi yoshlar viloyat va respublika musobaqalarida ham faol qatnashib, sovrinli o'rinlarni qo'lga kiritayotganliklari quvonarli hol.

Albatta, bugun egallanayotgan marralar yoshlarni yanada ruhlantirib, o'z ustida ishlashi, shug'ullanishi hamda yanada yaxshi natijalarga erishishida muhim omil bo'lyapti.

Tashkilotda ayni paytda "B", "BC", "CE", "BE" toifali haydovchilar tayyorlanmoqda. Mavjud moddiy-texnik baza, avtomobillar parki, avtodrom, o'quv xonalari, zamonaviy o'quv avtomobillari barchasi uyg'unlikda malakali haydovchilar tayyorlash imkonini bermoqda.

**Tashkilot Yangiqo'rg'on tumanda istiqomat qilayotgan barcha yoshlarni "B", "BC", "BE", "CE" toifali haydovchilik kurslariga o'qishga hamda sportning texnik va amaliy turlaridan "Havo miltig'idan o'q otish", "Karting", "Motosport" va "Yozgi biatlon" kabi seksiyalariga shug'ullanishga taklif etadi.**

**Manzil: Yangiqo'rg'on tumani, "Navkent" MFY, "Vatanparvar" tashkiloti o'quv binosi.**

**0 369 633-41-53; 97 252-33-26.**



# BOLAJOY

## DANGASALIK OQIBATI



Dehqon bazo'r unga eshagini sotibdi. Cho'pon eshakni uyga olib borib, tomorqasining bir chetiga bog'lab qo'yibdi. Ertalab adirga qo'ylarini o'tlatishga olib ketayotib, xotiniga tayinlabdi:

– Eshak bugun yer haydasin. Ertaga ustiga don solingan ikkita qopni yuklab, qoplarni oz-ozdan teshib qo'yasan. Dala bo'ylab yurgani sari donlar sepilaveradi. Donlarni sepib bo'lgach, omoch qo'shsang, donlarning ustini berkitib chiqadi. Ishlab bo'lganidan keyin eshakka yemni yaxshi ber, dalamiz katta, unga ko'p kuch kerak bo'ladi. Adirdan qaytgach, eshakning qilgan ishini ko'rib olaman.

– Xo'p bo'ladi, siz bemalol qo'ylarimizni o'tlatavering, – erining ko'nglini xotirjam qilibdi cho'ponning xotini. – Eshakni o'zim ishlataman.

Yer haydashni istamagan eshak avvalgi qilg'ini qilib, yotib olibdi. Bundan jahli chiqqan cho'ponning xotini xipchin bilan chunonam uribdi-ki, eshak shu zahoti yer haydashga



Muallif chizgan rasmlar

Yaqin o'tgan zamonda bir qishloqning chekkasida sodda dehqon yigit xotini bilan yashar ekan. Ularning bir eshagi bo'lib, ish qilmasdan kun bo'yi soyada yotarkan. Dehqon yordam beradi, deb dalaga olib borsa, o'zini kasalga solib, yerga cho'zilgan boshini ko'tarmaskan. Bu ham yetmagandek, "Qornim ochqadi, yem ber!" deb hangragani hangragan ekan. Rahmdil dehqon "Sog' bo'lib, kuchga to'lsa, menga yordam berar", deb eshagining aytganini qilarkan.

Eshakning nayrangini bilib qolgan xotini eriga:

– Sabrim tugadi, bu eshakdan bizga umuman foyda yo'q, faqat zarari tegyapti. Uni ertagayoq bozorga olib borib soting, – debdi.

– Kasal bo'lsa, uni qanday sotaman, olgan odam ranjiydi-ku, – e'tiroz bildiribdi eri. – Keyin sog'ayib ketsa, yer haydash, daladagi dehqonchiliklarni tashishda menga yordam beradi.

– U hech qanday kasal emas, faqat dangasa va ayyor. Semirib ketganidan sezmayapsizmi? Bu eshakni sotib, boshqasini olib keling, – gapida turib olibdi xotini.

Dehqon xo'tikligidan katta qilgan eshagini chor-nochor bozorga olib boribdi. Xaridorlar kelib, birin-ketin so'ray boshlabdi:

– Bu qanday ishlar qiladi?

– Aravaga qo'shilganmi? Yuk tashiganmi?

– Yer haydaganmi?..

Dehqon yigit nima deyishni bilmay, jim turaveribdi. Kech tushib, bozor tarqay boshlabdi. Eshak bundan xursand bo'libdi. Shunda yigitning oldiga bir cho'pon kelib so'rabdi:

– Rozi bo'lsang, eshagingni besh tangaga olaman. Sen ham, men ham uyga quruq qo'l bilan qaytmaymiz.



yo'rg'alab ketibdi. U kun bo'yi tinmabdi. Faqat kechga tomon oldiga quruq xashak qo'yibdi. U norozi bo'lib, "Menga yem beringlar", deb hangragan zahoti cho'ponning bolalari "Ovozini o'chir!" deb kesaklar otibdi.

Shu zaylda kunlar o'tibdi. Eshak kun bo'yi jazirama oftob ostida tinim bilmay ishlar ekan, avvalgi xo'jayini yodiga tushibdi. "Eh, esizgina, avvalgi xo'jayinim soyada ish qilmay yotsam ham suv va yemishimni berardi, kaltaklamasdi. Men noshukur uning qadriga yetmabman. Xizmatini qilganimda hozir bu ahvolga tushmas edim", deya afsuslanishni boshlabdi.

Kunlardan birida arqoni bo'shab qolganidan foydalangan eshak tunda darvoza ochiq qolganidan foydalanib, cho'ponning uyidan qochib ketibdi. Yo'l yursa ham mo'l yurib, eski egasining uyini topib boribdi. Ozib-to'zib ketgan, bazo'r oyoqda turgan eshakni ko'rib, dehqon yigit dastlab tanimabdi. Eshak ko'zlarini mo'ltillatib, undan kechirim so'rabdi:

– Xo'jayin, iltimos, meni kechiring! Dangasalik oqibatini endi tushunib yetdim.

– Qaytganingdan xursandman, – debdi dehqon uni kechirib. – Faqat cho'ponning pulini qaytarishimizga to'g'ri keladi.

– Rahmat, qancha ish bo'lsa, qilaman, – shodligidan tuyoqlarini ko'tarib sakrabdi u.

Dangasalik oqibati qanday bo'lishini boshidan o'tkazgan eshak bu xatosini qayta takrorlamabdi.

Charosxon YUSUPJONOVA,  
Mirzo Ulug'bek tumanidagi  
241-umumta'lim maktabining  
6-sinf o'quvchisi



# Bu – qiziq!

BILASIZMI?

## FAKT

➤ Bugungi kunda “Qurolli Kuchlar”, “armiya” ma’nosida faol qo’llanayotgan qo’shin so’zi qo’shun shaklida o’zbek tiliga mo’g’ul tilidan o’zlashgan. Temuriylar davrida 50 nafardan 100 nafargacha bo’lgan jangchi bo’linmasi qo’shun deb yuritilgan.

➤ Temuriylar davrida bayroqqa nisbatan tug’ so’zi ishlatilgan. Shuningdek, bayroq ma’nosini bildiruvchi arabcha “alam”, “royat”, “livo” va o’zbekcha “yalov” so’zlari ham muomalada bo’lgan.

➤ Biz kundalik hayotimizda “alp”, “botir”, “o’g’lon” so’zlariga ko’p bor duch kelamiz. Bu so’zlar o’z davrining haqiqiy unvonlari edi.

➤ “Qutadg’u bilik” asarida Ko’k turk xoqonligida yosh jangchilardan tuzilgan qo’shin “O’g’lon” nomi bilan atalib, ularning soni yetti-o’n ming atrofida bo’lgan. Shuningdek, har bir jangchining jismoniy yetukligi va jangovar salohiyatiga qarab askarlarga “Alp”, “Alpag’u” kabi unvonlar berilgan.

➤ Fors-tojik tilidan o’zbek tiliga kirgan sarboz so’zi XIV-XV asrlarda “askar”, “jangchi” ma’nosini birlirgan.

➤ Turkiy qo’shinlarda sovut ostidan kiyiladigan, metall yoki boshqa qattiq narsadan tayyorlangan nimchaga o’xshash kiyim “kirovka” deb atalgan.

➤ Bobur va Shayboniyxon qo’shinida “lashkar”, “askar” ma’nosini ifodalashda sipoh, cherig, lashkar terminlari qatori mo’g’ulcha navkar so’zi ham faol qo’llanilgan.

➤ “Qurol-yarog’” so’zining o’zagi “qur” so’zi bo’lib, dastlab “qurchi” shaklida ishlatilgan. XIV asrda “qurchi” muayyan askariy guruhga rahbar etilib, harbiy harakatlarga jo’natilgan.

➤ “Sovut” so’zi turkiy xalqlar orasida “choroyna” shaklida ishlatilib, u to’rt parcha yassi metallni bir-biriga birlashtirib yasalgan.

➤ Milliy armiyamizda “jangovar chaqiriq” termini amalda faol qo’llanilayotgani barchamizga ma’lum. Tarixda raqib qo’shinlar bir-biriga ro’para kelgach, qurol-yaroqlarini yuqori ko’tarib, baland ovozdagi “hayu hay”, ya’ni “Ura!” deya hayqirishgan.

➤ O’rta Osiyo xalqlarida qalqon atamasi ilk bor XI-XII asrlardagi Qoraxoniylar davrida “qalqang” shaklida qo’llanilgan. Sarkardalar qalqonlari qimmatbaho toshlar bilan ziynatlangan.

➤ Amir Temur va Temuriylar davrida odam bo’yiga mos keluvchi Qalqonlar mavjud bo’lib, ular “tura” deb nomlangan. Ular katta-kichikligi, turli shakldaligi bilan bir-biridan ajralib turgan.

B. ELMURODOV tayyorladi.

@Vatanparvargazetasi\_bot  
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati  
bilan bog’lanish uchun telegram bot

SHU SONNING  
ELEKTRON SHAKLI

# DUNYODA NECHTA TIL BOR?

Tilshunoslik fanidan ma’lumki, qaysi tilda sinonim so’zlar ko’p bo’lsa, o’sha til eng boy til hisoblanadi. Shuningdek, qaysi tilda

omonim so’zlar ko’p uchrasa, demak, o’sha til eng kambag’al tillar sirasiga mansub deya yuritiladi. Masalan, shimoliy qutbda yashaydigan eskimos qabilasiga mansub millat tilida “qor” so’zining yigirma xil sinonimi mavjud bo’lsa, arab tilida “cho’l” so’zining yuzdan ortiq varianti bor. Sinonim so’zlar aslida arab tilida eng ko’p uchraydi.

Jahonda keng iste’moldan chiqib ketgan hamda butunlay yo’qolib ketgan tillar benihoya ko’p. Ularni tilshunoslar ikkiga bo’lib o’rganadilar, ya’ni yozma nutqqa ega bo’lgan “o’lik” tillar hamda faqat og’zaki shakl bor “o’lik” tillar.

Og’zaki nutqqagina ega bo’lib, hozirda butunlay yo’qolib ketgan tillarning deyarli son-sanog’i yo’q. Ham yozma, ham og’zaki nutq shakliga ega, biroq hozir amalda mavjud bo’lmagan qadimiy tillar ham talaygina. Tilshunoslik fanida bu kabi tillarni “o’lik tillar” deb ataydilar.

O’lik tillarning eng buyuklaridan ikkitasi fan olamida juda mashhur hisoblanadi. Ulardan biri Hindistondagi qadimiy sanskrit tili bo’lsa, ikkinchisi zamonaviy tibbiyot xodimlari keng istifoda etadigan lotin tili hisoblanadi.

O’lik tillar ro’yxatiga qadimiy xitoy va ingliz tillarini kiritisa ham hech xato bo’lmaydi. Chunki zamonamiz kishilari ana shu ikki tilda bitilgan tarixiy asarlarda muhrlanib qolgan mumtoz so’zlarni tushunishlari amrimaholdir. Ko’hna xitoy tilidagi manbalarni tushunmaslik o’z-o’zidan ma’lumki, ular eramizdan avvalgi uzoq o’tmishga borib taqaladi. Biroq XVI asrning oxirlari XVII asrning o’rtalaridagina yashab o’tgan buyuk ingliz yozuvchisi Uilyam Shekspirning tilini bugungi kun inglizlari asl manbadan o’qib, mutlaqo tushunmasliklari ilmiy isbotlangan voqeadir.

Eng ko’p tarqalgan til. Siz darhol bu xitoy tili, deb o’ylashingiz tabiiy hol. To’g’ri, Yer kurrasidagi eng ko’p aholi yashaydigan Xitoy Xalq Respublikasidagi davlatda 1 yarim milliarddan ortiq odam xitoy tilida gaplashgani bilan u butun jahon bo’ylab keng yoyilmagan-da! Dunyoda eng ko’p tarqalgan til bu ispan tilidir. Ispan tilining bu qadar ommalashib ketishiga avvalo mashhur sayyohlar, dengiz qaroqchilari hamda ispaniyalik mustamlakachilar sabab bo’lib qolganlar. Shunisi qiziqarliki, Amerika Qo’shma Shtatlarining 50 ta shtatidan 23 tasida davlat tili ispan tili hisoblansa, bor-yo’g’i 21 tasidagina ingliz tili amaldagi til va qolgan shtatlarda esa fransuz tili hukmronlik mavqeini saqlab turmoqda.

Musajon BOBOJONOV

Dunyo xalqlari xilma-xil tillarda gaplashadi. Biroq fan aniqlikni yaxshi ko’radi. Shu tufayli vaqti-vaqti bilan tilshunoslar tillar sonini hisobga oladilar va o’z ma’lumotlarini e’lon qiladi. Raqamlar odatda bir biriga doimo mos tushavermaydi. Chunki u yoki bu tilni hamma joyda ham birdek tan olavermaydilar. Natijada o’sha tilni ro’yxatga kiritmay qo’yish hollari uchrab turadi.

Kurrai zaminimizda hammasi bo’lib, taxminan 5 621 ta til va sheva bor bo’lib, hozirgacha ulardan 500 tasigina o’rganilgan xolos. Har uch tildan bittasining yozuvi bo’lmay, faqat og’zaki nutq shakliga egadir.

Jahondagi 1 400 ta tilning yo’qolib ketish xavfi bor. Dunyo tillaridan faqat 40 tasigina og’zaki va yozma jihatdan mukammal shakllanib bo’lgan deb hisoblanadi. O’sha 40 tilning orasida o’zbek tili ham bor.

Shuningdek, Himolayda 160 xil til bor. Afrikaning Niger daryosi havzasida 280 ta til mavjud bo’lsa, Yangi Gvineyadagi Papua davlati bu borada mutlaq chempion. U yerda jami 3 million aholi 1 010 xildagi til va shevada so’zlashadi.

VATANPARVAR

MUASSIS

O’ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI  
MUDOFAA  
VAZIRLIGI

www.mudofaa.uz

## Tahririyat kengashi:

polkovnik Hamdam Qarshiyev  
polkovnik Otobek Yuldashev  
polkovnik Alisher Boboxonov  
Maqsud Abilov

Tahririyatga kelgan qo’lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi.

Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

## Bosh muharrir:

podpolkovnik Ahror Ochilov

## ISSN 2010-5541

Gazeta O’zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro’yxatga olingan.

## Telefonlar:

kotibiyat: 71 260-36-50  
buxgalteriya: 71 260-35-20  
yuridik bo’lim: 71 260-29-41  
faks: 71 260-32-29

## Navbatchi: leytenant Islomjon Qo’chqorov

Sahifalovchi: Nodirabegim Valiyeva  
Musahhih: Sayyora Meliqo’ziyeva

Buyurtma: G-1005

Hajmi: 6 bosma taboq

Bichimi: A3

Adadi: 29 755 nusxa

Bosishga topshirish vaqti: 14:00

Topshirildi: 14:30

Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.  
Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Gazeta juma kuni chiqadi.  
Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.

Nashr ko’rsatkichi: 114.  
Bahosi: kelishilgan narxda.

“Sharq” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida chop etildi.  
Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko’chasi, 41-uy.

1 2 3 4 5 6

Manzilimiz:

100164, Toshkent, Universitet ko’chasi, 1-uy.